# ЁШУА

## *Кириш*

Ёшуа китоби Исроил халқининг Худо уларга бераман, деб ваъда қилган юртни эгаллаши ҳақида ҳикоя қилади. Ўша юрт Канъон, деб аталарди. Бу китоб ўз номини ҳикоянинг қаҳрамони Нун ўғли Ёшуадан олган. Мусонинг ўлимидан кейин Ёшуа Исроил халқининг йўлбошчиси қилиб тайинланган эди.

Ёшуа китоби икки қисмга бўлинган. Биринчи қисмда (1-12–боблар) Исроил халқи Канъондаги кўп шаҳар ва қишлоқларни босиб олишига Худонинг Ўзи ёрдам беради. Баъзан У мўъжизалар орқали мадад беради. Масалан, Ерихо шаҳри учун бўлган жангда Худо мана шу шаҳарнинг деворларини бузиб, ер билан яксон қилади (6:20). Кейинроқ эса Гивон шаҳри учун бўлган жангда Худо осмондан йирик дўл ёғдириб, душман жангчиларини эзиб ташлайди. Ундан кейин Худо қуёшни бир жойда тўхтатиб қўяди. Исроил халқи эса бундан фойдаланиб, кун ботгунга қадар анчагина душман жангчиларини ушлаб ўлдиради (10:1-15).

Аммо Исроил халқи, фақатгина Эгамиз Худога сажда қилиб, Унинг амрларини бажарамиз, деб берган ваъдасини бузгандан сўнг, Худо уларга ёрдам беришни рад қилади. Масалан, Ай шаҳри учун бўлган жангда Исроил халқи мағлуб бўлди, чунки Исроил халқи Худо билан қилган аҳдини бир киши бузган эди (7:1-12).

Бу китобнинг иккинчи қисми (13-24–боблар) Исроил қабилаларининг ҳар бири қандай қилиб ўз ерини олганини тасвирлайди. Исроил халқи Иордан дарёсининг шарқидаги ерларни босиб олади. Мана шу ер Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярмига бўлиб берилади. Лекин энди улар бошқа қабилаларга Иордан дарёсининг ғарбидаги Канъон юртининг қолган жойларини босиб олишларига ёрдам бериши керак эди. Иордан дарёсининг ғарбида Яҳудо, Эфрайим ва Манаше қабиласининг бошқа ярми ўз ерларини тезгина қўлга киритадилар. Юртнинг қолган жойлари эса қисмларга бўлинади. Исроил халқининг вакиллари у ерларни текшириб чиқади. Қолган қабилаларнинг ҳар бирига қайси қисмни беришни Ёшуага Худо кўрсатади. Леви қабиласи Худога хизмат қилиш учун ажратиб олинган эдилар, шунинг учун улар бошқа қабилаларга ўхшаб у ердан улуш олмади. Юртдан улуш бериш ўрнига, бу қабилага бутун юрт бўйлаб яшаши учун шаҳар, қишлоқлар берилди.

Китобнинг охирида Ёшуа икки марта Худонинг Исроил халқига қанчалик яхшилик қилгани ҳақида сўзлайди. Шундан кейин эса Ёшуа уларни чорлаб шундай даъват қилади: “Энди Эгамиздан қўрқинг, Унга содиқ бўлиб, доимо чин дилдан хизмат қилинг.” (24:14)

### Худо Ёшуага Канъон ерларини босиб олишни буюради

1 [1] Эгамиз Ўзининг қули Мусо вафотидан кейин Мусонинг
ёрдамчиси Ёшуага шундай деди: [2] “Менинг қулим Мусо
вафот этди. Энди ҳаммангиз — бутун Исроил халқи Мен
сизларга бераётган юртга кириш учун Иордан дарёсидан
ўтишга тайёрланинглар[a]. [3] Мусога ваъда берганимдай,
оёғингиз теккан ҳамма жойни сизларга бераман. [4] Жанубдаги
саҳродан шимолдаги Лубнонгача, шарқдаги буюк Фурот
дарёсидан ғарбдаги Ўрта ер денгизигача[b] бўлган жойлар,
Хет халқининг ҳамма ерлари[c] сизнинг юртингиз бўлади.
[5] Эй, Ёшуа, бир умр ҳеч ким сенга бас кела олмайди. Мусо
билан бўлганимдай, сен билан ҳам бирга бўламан. Сени тарк
этмайман, ҳеч қачон ташлаб кетмайман. [6] Дадил ва ботир бўл,
Исроил халқининг ота–боболарига, сизларга мана шу юртни
бераман, деб ваъда қилганман, улар бу ерларни олиб, эга
бўлишига сен бош бўласан. [7] Дадил ва ботир бўлишинг керак,
Мен қулим Мусо орқали буюрган қонунларнинг ҳаммасини
битта қолдирмай бажаргин, борган жойингда ишларинг
ўнгидан келиши учун бу қонунлардан ўнгга ҳам, чапга ҳам
оғма. [8] Таврот китобида[d] ёзилганлар тилингдан тушмасин,
уларни битта қолдирмай бажаришинг учун кечаю кундуз улар
ҳақида фикр юритгин. Шунда ишларинг юришиб, ўнгидан
келади. [9] Амр қиламан, дадил ва ботир бўл, ваҳимага тушма,
қўрқма, қаерга борсанг ҳам, Мен, Эганг Худо, сен билан бирга
бўламан.”

---

[a] **1:2** *...Иордан дарёсидан ўтишга тайёрланинглар* — Ўша пайтда Исроил халқи Иордан дарёсининг шарқидаги Мўаб текислигида турган эди (“Саҳрода” 36:13 га қаранг).

[b] **1:4** *Ўрта ер денгизи* — ибронийча матнда *буюк денгиз.*

[c] **1:4** *...Хет халқининг ҳамма ерлари...* — Хет шоҳлигининг жанубий чегарасини ташкил қилган Суриянинг шимолий ерларига ишора қилинган.

[d] **1:8** *Таврот китоби* — “Қонунлар” китобида ёзилганларнинг аксари қисмига ишора қилинган бўлиши мумкин.

## Ёшуанинг халққа берган буйруқлари

10 Шундан кейин Ёшуа Исроил қабилаларининг назоратчиларига шундай деб буюрди:

11 — Қароргоҳ бўйлаб юриб, халққа қуйидаги гапларни айтинглар: "Озиқ–овқатларингизни тайёрланглар, чунки уч кундан кейин Эгангиз Худо сизга бераётган юртга эгалик қилиш учун Иордан дарёсидан ўтасизлар."

12 Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярмига[a] Ёшуа шундай деди:

13 — Эгамизнинг қули Мусонинг амр қилиб айтган сўзларини
эсланг[b]. У сизларга: "Эгангиз Худо сизларга осойишталик бериб,
мана шу ерларни берди", — деб айтган эди. 14 Хотинларингиз,
болаларингиз, мол–қўйларингиз Мусо сизларга берган ерда —
Иорданнинг мана шу шарқ томонида қолади. Орангиздаги барча
қуролланган жасур жангчилар эса биродарларингизнинг олдида
бориб, Иордан дарёсидан ўтади. 15 Биродарларингиз ҳам Эгангиз
Худо бераётган юртни эгалламагунча, жасур жангчиларингиз уларга ёрдам беради. Эгамиз биродарларингизга ҳам сизга бергандай осойишталик бергандан кейингина Эгамизнинг қули Мусо сизларга берган Иорданнинг шарқидаги ўз ерингизга қайтиб, жойлашасизлар.

16 Улар Ёшуага шундай деб жавоб беришди:

— Сиз буюрган ҳамма нарсани қиламиз, қаерга юборсангиз
борамиз. 17 Ҳамма нарсада Мусога қандай итоат қилган бўлсак, сизга
ҳам шундай итоат қиламиз. Эгангиз Худо, Мусо билан бўлганидек,
сиз билан бирга бўлсин! 18 Сизнинг айтган сўзларингизга қарши
чиққанлар, бирорта буйруғингизга бўйсунмаганларнинг жазоси ўлимдир. Сиз фақат дадил ва ботир бўлинг.

## Ёшуа Ерихога айғоқчиларни юборади

2 1 Ёшуа Шитимдаги қароргоҳдан[c] икки кишини яширинча айғоқчи қилиб юборди. Юборишдан олдин уларга: "Бориб,

---

[a] **1:12** *Манаше қабиласининг ярми* — Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашган қабиланинг ярмига ишора (13:8, 29-32 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашганди (22:6-8 га қаранг).

[b] **1:13** *...Мусонинг амр қилиб айтган сўзларини эсланг* — "Саҳрода" 32:28-33 га қаранг.

[c] **2:1** *Шитимдаги қароргоҳ* — Ўлик денгизнинг шимоли–шарқида, Мўаб текислигида жойлашган ("Саҳрода" 33:49 га қаранг).

Канъон юртини, айниқса Ерихо шаҳрини[a] яхшилаб кўриб
келинглар”, — деди. Улар Ерихога кетишди. Бориб, Раҳоба
исмли бир фоҳишанинг уйига кириб, ўша ерда тунаб қолишди.
2 Ерихо шоҳига: “Бугун кечқурун Исроил халқидан бир нечтаси
бутун юртимизни текшириш учун келишибди”, — деган хабар
етиб борди. 3 Шунда шоҳ Раҳобага хабар юбориб: “Юртимизни
текширишга келган кишилар сенинг уйингга кирибди. Энди
уларни ташқарига олиб чиқ”, деб буюрди. 4 Лекин аёл ўша
кишиларни яшириб қўйган эди. У шоҳнинг одамларига шундай
деди: “Тўғри, ўша кишилар меникига келган эди, лекин уларнинг
қаердан келганини билмагандим. 5 Кеч тушиб, шаҳар дарвозаси
ёпилишидан олдин улар чиқиб кетишди. У кишилар қаерга
кетганини билмайман. Агар тез орқасидан борсангиз, уларни
ушлашингиз мумкин.” 6 Аслида Раҳоба уларни томга олиб чиқиб,
қурисин, деб ёйилган зиғир боғламлари тагига яшириб қўйган
эди. 7 Шоҳнинг одамлари шаҳардан чиқиб кетиши биланоқ,
шаҳар дарвозалари ёпилди[b]. Улар айғоқчиларни қидириб,
Иордан дарёсининг кечув жойигача боришди.

8 Айғоқчилар ухлашга ётишдан олдин Раҳоба томга чиқиб,
9 уларга шундай деди: “Эгангиз бизнинг юртимизни сизларга
берганлигини биламан. Бутун халқимиз билан сизлардан
қўрқиб қолганмиз. Шу ерда яшайдиганларнинг ҳаммаси сизлар
ҳақингизда эшитиб ваҳимага тушган. 10 Биз эшитдик, сизлар
Мисрдан чиққанингиздан кейин Эгангиз олдингизда Қизил
денгиз[c] сувларини қуритибди, Иорданнинг шарқ томонидаги Амор
халқининг шоҳлари Ўг ва Сихўнга нима қилганингизни, уларнинг
одамларини бутунлай қириб ташлаганингизни[d] ҳам эшитдик.

[a] **2:1** *Ерихо шаҳри* — ўша ерларнинг энг муҳим шаҳри, Иордан дарёсидан қарийб 18 километрча ғарбда жойлашган.

[b] **2:7** *...шаҳар дарвозалари ёпилди* — Одатда қадимги шаҳарларнинг деворлари билан катта дарвозалари бўлган. Хавфсизлик чоралари сифатида дарвозалар кечаси ёпиларди.

[c] **2:10** *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *ём суф*, маъноси *Қамиш денгизи*. Бу термин мана шу ўринда ҳозирги Суэц қўлтиғига (яъни Қизил денгизнинг шимоли–ғарбидаги қўлтиққа) ёки Суэц қўлтиғи ва Ўрта ер денгизи оралиғида жойлашган кўллардан бирига ишора қилган бўлиши мумкин. Бу оятдаги денгизнинг аниқ қаерда жойлашгани баҳсли, бироқ “Чиқиш” 14:10-31 даги ҳодисаларнинг тафсилотига кўра, бу денгиз шунчалик катта бўлганки, Исроил халқига катта бир тўсиқ бўлган. Шунчалик чуқур бўлганки, Миср лашкарларини чўкдириб юборган.

[d] **2:10** *...бутунлай қириб ташлаганингизни...* — Шу ибора билан таржима қилинган ибронийча сўзнинг маъноси қуйидагича: одамлар ёки буюмлар Худога бағишланиб, назр сифатида берилган ёки тамоман қириб ташланган.

11 Бу воқеалар ҳақида эшитишимиз билан юракларимиз орқага
тортиб кетди, сизларни деб ҳар биримизнинг жасоратимиздан
асар ҳам қолмади. Чунки Эгангиз Худо ҳам осмонда, ҳам ерда
Худодир. 12 Мен сизларга марҳамат кўрсатдим. Энди шунинг учун
Эгангиз ҳақи қасам ичиб, сенинг оилангга ҳам меҳрибонлик
қиламиз, деб кафолат беринг. 13 Мана шу кафолат ота–онам, ака–
ука, опа–сингилларим ва уларга қарашли бўлганларни сақлаб
қолишингизни, бизни ўлимдан қутқаришингизни билдирсин.”
14 Айғоқчилар унга шундай дейишди: “Сизларга бирор нарса
бўлса, Худо жонимизни олсин. Агар биз ҳақимизда ҳеч кимга
айтмасанг, Эгамиз бизга шу ерни берганда сен ва сенинг оилангга
берган ваъдамизда туриб, марҳамат кўрсатамиз.”

15 Раҳобанинг уйи шаҳар деворларига тақалиб қурилганлиги
учун[a], деразаси шаҳардан ташқарига қараб турар эди. Раҳоба
мана шу деразадан арқон тушириб, айғоқчиларнинг қочишига
ёрдам берди. 16 Улар кетишидан олдин Раҳоба: “Сизларни
қуваётганлар топиб олмаслиги учун, қирларга боринглар. Ўша
ерда уч кун яширининглар. Улар қайтиб келганидан кейин ўз
йўлингизга кетаверасиз”, — деган эди. 17-18 Айғоқчилар Раҳобага
жавобан шундай дейишган эди: “Биз бу ерга ҳужум қилганимизда
мана шу қизил арқонни биз тушадиган деразангга боғлаб,
осилтириб қўйгин. Оилангдагиларнинг ҳаммаси, ота–онанг,
ака–ука, қариндош–уруғларинг уйингда бўлиши керак, бўлмаса,
биз сенга ичган қасамимиздан халос бўламиз. 19 Бирортаси
эшигингдан ташқарига, кўчага чиқса, ўз ўлимига ўзи жавобгар
бўлади, биз гуноҳкор бўлмаймиз. Лекин сен билан уй ичида
бўлганларга бирортаси қўл текизса, уларнинг ўлимига биз
жавобгар бўламиз. 20 Лекин мабодо биз ҳақимизда бировга оғиз
очсанг, сен бизга ичтирган қасамдан халос бўламиз.” 21 Раҳоба:
“Сизлар нима десангиз шундай бўлсин”, деган сўзлар билан
айғоқчиларни чиқариб юборди. Улар ўз йўлларига кетишди.
Кейин у қизил арқонни деразасига боғлаб қўйди.

---

[a] **2:15** *Раҳобанинг уйи шаҳар деворларига тақалиб қурилганлиги учун…* — Қадимги пайтларда шаҳарларнинг баланд деворлари бўлган. Бу деворлар шаҳарни босқинчилар ҳужумларидан ҳимоя қиларди. Археологик қазувлар натижасида Ерихо шаҳрининг деворлари икки қават — ички ва ташқи деворлардан иборат бўлганлиги аниқланган. Ички ва ташқи деворнинг оралиғи тахминан тўрт метр бўлиб, бир девордан бошқа деворга тақаб ўрнатилган йўғон ёғочлар устига уйлар қурилганди. Раҳоба айғоқчиларни чиқариб юборган дераза шаҳарнинг ташқи деворида жойлашган эди.

[22]Ўша айғоқчилар бориб, қирларда уч кун, уларни излаб
юрганлар қайтгунча туришди. Уларни қувиб кетганлар
йўл бўйидаги ҳамма жойларни излаб ҳам ҳеч кимни топа
олмадилар. [23]Айғоқчилар қирдан қайтиб тушишди. Дарёни
кечиб ўтиб[a], Ёшуанинг олдига келиб, бўлган воқеаларнинг
ҳаммасини унга айтиб беришди. [24]Улар Ёшуага: "Ҳақиқатан
ҳам Эгамиз бутун юртни бизнинг қўлимизга берган. У ерда
яшовчиларнинг ҳаммаси бизларни деб ваҳимага тушган", —
дейишди.

## Исроил халқи Иордан дарёсини кечиб ўтади

3 [1]Эртасига тонгда Ёшуа бутун Исроил халқи билан бирга
Шитим қароргоҳидан чиқиб, Иорданга етиб келишди.
Дарёни кечиб ўтишдан олдин улар ўша ерда қароргоҳ қуришди.
[2]Уч кундан кейин қабила назоратчилари қароргоҳ бўйлаб
юриб, [3]халққа шундай дейишди: "Леви руҳонийлари Эгангиз
Худонинг аҳд сандиғини кўтариб кетаётганини кўрганингизда
йўлга чиқасизлар. Унинг орқасидан боринглар, [4]шунда
борадиган йўлингизни билиб оласизлар, чунки сизлар бу
йўлдан олдин юрмагансизлар. Лекин сандиқ билан сизларнинг
орангиздаги масофа тахминан икки минг тирсак[b] бўлиши
керак. Орангиздаги масофа мана шундан кам бўлмасин."
[5]Кейин Ёшуа халққа: "Ўзингизни покланг[c], чунки эртага
Эгамиз орамизда мўъжизалар қилади", — деди. [6]Эртасига Ёшуа
руҳонийларга шундай деди: "Аҳд сандиғини олиб, халқнинг
олдида юринглар." Руҳонийлар аҳд сандиғини кўтариб, халқ
олдида боришди.

[7]Эгамиз Ёшуага шундай деди:

— Бугундан бошлаб сени бутун Исроил халқи олдида кўкка
кўтараман, шунда улар Мен Мусо билан бўлганимдек, сен билан
бирга бўлишимни билишади. [8]Аҳд сандиғини кўтариб борадиган
руҳонийларга айтасан: "Иордан дарёсига етиб борганингиздан
кейин дарёга кириб тўхтанглар."

---

[a] **2:23** *Дарёни кечиб ўтиб...* — Исроил халқи қароргоҳ қурган — дарёнинг шарқ томонига қайтиб борганлар (1:2 га қаранг).

[b] **3:4** *икки минг тирсак* — тахминан 900 метрга тўғри келади.

[c] **3:5** *Ўзингизни покланг...* — Руҳий хизматни лозим даражада бажаришга тўсқинлик қиладиган нопокликдан тозаланиш маросими назарда тутилган.

[9] Кейин Ёшуа Исроил халқига шундай деди:
— Яқинроқ келиб, Эгангиз Худонинг гапларини эшитинг.
[10-11] Мана, бутун олам Раббийсининг аҳд сандиғи олдингизда
Иордан дарёсидан ўтади[a]. Шундай қилиб, барҳаёт Худо
сизларнинг орангизда эканлигини, Унинг Ўзи Канъон, Хет, Хив,
Париз, Гиргош, Амор ва Ёбус халқларини албатта сизларнинг
олдингиздан қувиб юборишини биласизлар. [12] Энди Исроил
халқининг ҳар бир қабиласидан биттадан, жами ўн иккита
эркакни танланг. [13] Бутун олам Раббийси, Эгамизнинг аҳд
сандиғини кўтарган руҳонийларнинг оёқлари Иордан дарёсининг
сувларига тегиши биланоқ оқим тўхтаб қолади, сув бир жойда
йиғилиб туради.

[14] Халқ ўз чодирларини йиғиб, Иордандан ўтиш учун йўлга
тушганда, аҳд сандиғини кўтарган руҳонийлар уларнинг олдида
борар эди. [15] Иордан суви ҳосил пайтида[b] қирғоқларидан
ҳам тошиб оқарди. Аҳд сандиғини кўтарган руҳонийлар
Иорданга яқинлашди. Уларнинг оёқлари сувга тегиши биланоқ
[16] дарёнинг оқими тўхтаб қолди. Сув узоқда жойлашган Зоратон
ёнидаги Адама шаҳри[c] олдида йиғилиб қолди, Ўлик денгизга[d]
қуйиладиган сув эса бутунлай тўхтаб қолди. Шундан кейин халқ
дарёдан ўтиб, Ерихо шаҳрининг ёнидаги ерларга борди. [17] Бутун
Исроил халқи қуруқ ердан юриб, Иордандан ўтиб бўлмагунча,
аҳд сандиғини кўтарган руҳонийлар дарёнинг ўртасида, қуруқ
ерда туришди.

## Исроил халқи ёдгорлик тошлари ўрнатади

**4** [1] Бутун халқ Иордандан ўтиб бўлгандан кейин, Эгамиз Ёшуага
шундай деди:
[2] — Халқнинг орасидан ўн икки кишини танлагин, ҳар бир

[a] **3:10-11** *...аҳд сандиғи олдингизда Иордан дарёсидан ўтади* — Аҳд сандиғини кўтариб борган руҳонийлар биринчи бўлиб дарёга киришлари керак эди (шу бобнинг 13-14–оятларига қаранг). Матнда Худо Ўз халқини жангга бошлаб боришига урғу берилган. Аҳд сандиғи Худо ҳузурининг рамзи бўлиб хизмат қилади.

[b] **3:15** *ҳосил пайтида* — кеч баҳор.

[c] **3:16** *...Зоратон ёнидаги Адама шаҳри...* — Адама Ериходан қарийб 30 километрча шимолда, Зоратон шаҳри эса Адамадан қарийб 20 километрча шимолда жойлашган.

[d] **3:16** *Ўлик денгиз* — ибронийча матнда *Араба денгизи — Туз денгизи. Араба* умумий географик ном бўлиб, бу оятда Ўлик денгиз жойлашган чўл ерни билдиради.

қабиладан биттадан бўлсин. [3] Уларга: "Иордан дарёсининг ўртасидан, худди руҳонийлар оёғи турган жойидан ўн иккита тош олиб, бугун кечқурун қароргоҳ қурадиган жойга олиб бориб қўйинглар, деб буюргин."

[4] Ёшуа Исроил халқининг ҳар бир қабиласидан бир кишини танлади. Кейин ўша ўн икки кишини чақириб, [5] уларга шундай деди: "Эгангиз Худонинг аҳд сандиғи олдига, Иорданнинг ўртасига бориб, у ердан ҳар бирингиз Исроил қабилаларининг ҳар бири учун биттадан тош олинглар. Уларни елкангизда кўтариб, қароргоҳга олиб боринглар. [6] Бу тошлар сизларга эсдалик бўлиб қолади. Вақти келиб, фарзандларингиз сизлардан, бу тошлар нимани билдиради, деб сўраганда, [7] уларга Эгамизнинг аҳд сандиғи Иордан дарёсидан ўтаётганда, дарёнинг сувлари тўхтаб қолганини айтиб берасизлар. Бу тошлар сизларга умрбод ёдгорлик бўлиб қолади."

[8] Исроил халқидан танланган кишилар Ёшуа уларга буюргандай қилишди. Эгамиз Ёшуага айтганидай, улар Иорданнинг ўртасидан ҳар бир Исроил қабиласи учун биттадан тош, жами ўн иккита тош олиб, ўзлари билан ўша куни қароргоҳ қурилган жойга олиб бориб қўйишди. [9] Иорданнинг ўртасига, аҳд сандиғини кўтарган руҳонийлар турган жойга Ёшуа бир ёдгорлик қурдирди. Бу ёдгорлик ҳам ўн иккита тошдан қурилди. Ўша тошлар бугунгача [a] ўша ердадир.

[10] Эгамиз Ёшуага, халққа айтгин, деб амр қилганларининг ҳаммаси содир бўлмагунча сандиқни кўтарган руҳонийлар Иорданнинг ўртасида турдилар. Ёшуага Мусо мана шу йўл–йўриқларни кўрсатган эди. Халқ тез–тез дарёдан ўтди. [11] Ҳамма дарёдан ўтиб бўлгандан кейин, бутун халқ қараб турар экан, Эгамизнинг аҳд сандиғи ва руҳонийлар дарёдан ўтди. [12] Мусо буюрганидай [b], Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласи ярмининг [c] эркаклари ҳам қуролланиб, дарёдан ўтган эдилар. Улар Исроил халқининг олдинги сафларида эдилар. [13] Жангга тайёр ўша қирқ мингга яқин киши Эгамиз ҳузурида Ерихо ёнидаги текисликка ўтди.

---

[a] **4:9** *бугунгача* — шу китоб ёзилаётган вақтга ишора.
[b] **4:12** *Мусо буюрганидай...* — 1:12-15 ва "Саҳрода" 32:16-33 га қаранг.
[c] **4:12** *Манаше қабиласининг ярми* — Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашган қабиланинг ярмига ишора (1:12-14, 13:8, 29-32 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашганди (22:6-8 га қаранг).

14 Эгамиз ўша куни қилган ишлари билан Исроил халқининг кўзи олдида Ёшуанинг номини юксалтирди[a]. Улар бутун умри давомида Мусони қандай ҳурмат қилган бўлсалар, Ёшуани ҳам шундай ҳурмат қилдилар.

15 Ўшанда Эгамиз Ёшуага шундай деган эди: 16 “Аҳд сандиғини[b] кўтарган руҳонийларга, Иордандан чиқинглар, деб буюргин.” 17 Шунда Ёшуа руҳонийларга: “Иордандан чиқинглар”, — деб буюрган эди. 18 Эгамизнинг аҳд сандиғини кўтарган руҳонийлар Иорданнинг ўртасидан чиқишди. Уларнинг оёқлари қуруқ ерга тегиши билан Иорданнинг суви яна олдингидай қирғоқларидан тошиб оқа бошлади.

19 Халқ биринчи ойнинг[c] ўнинчи кунида Иордандан ўтди. Улар Ерихо шаҳрининг шарқидаги Гилгал деган жойда[d] қароргоҳ қуришди. 20 Улар Иордандан олган ўн иккита тошни Ёшуа Гилгалда ўрнатиб, 21 Исроил халқига шундай деди:

— Вақти келиб, фарзандларингиз сизлардан: “Бу тошлар нимани билдиради?” деб сўраса, 22 сизлар шундай жавоб берасизлар: “Исроил халқи мана шу ерда қуруқ ердан юриб Иордандан ўтди. 23 Эгамиз Худо биз ўтишимиз учун Қизил денгизни[e] қуритганидай, бу ерда ҳам биз ўтиб бўлмагунимизча Иорданнинг сувларини қуритган эди. 24 Ер юзидаги барча халқлар Эгамизнинг қудратли эканини билиши ҳамда сизлар Худойингиз — Эгамиздан бир умр қўрқишингиз учун шундай қилган эди.”

**5** 1 Исроил халқи Иордан дарёсидан ўтиб бўлгунча, Эгамиз улар учун дарёнинг сувини қуритган эди. Иорданнинг ғарбидаги Амор шоҳлари ва Ўрта ер денгизи ёнидаги Канъон шоҳлари

---

[a] **4:14** *...Исроил халқининг кўзи олдида Ёшуанинг номини юксалтирди* — 3:7 га қаранг.

[b] **4:16** *Аҳд сандиғи* — ибронийча матнда *гувоҳлик сандиғи,* аҳд сандиғининг яна бир номи. Ибронийча матндаги иборанинг *гувоҳлик* сўзи ўнта амр ёзилган иккита тош лавҳага ишора қилади. Иккала тош лавҳа сандиқнинг ичида сақланиб, Худо ва Унинг халқи ўртасида тузилган аҳднинг жисмоний гувоҳи бўлиб хизмат қиларди.

[c] **4:19** *биринчи ой* — Абиб ойига қарата айтилган, ибронний календарининг биринчи ойи (Абиб ойи Нисон ойи деб ҳам аталади). Бу ой ҳозирги 11 мартдан кейин биринчи янги ой чиққан кундан бошланади.

[d] **4:19** *Гилгал деган жой* — Ерихондан қарийб 4 километрча шимоли–шарқда жойлашган.

[e] **4:23** *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *ём суф,* маъноси *Қамиш денгизи.* 2:10 изоҳига қаранг.

бу ҳақда эшитиб, жуда қўрқиб кетишди. Исроил халқини деб
уларнинг жасоратидан асар ҳам қолмади.

### Гилгалдаги суннат

2 Ўша пайтда Эгамиз Ёшуага шундай деди: "Тошдан пичоқлар
ясаб[a], Исроил халқининг бу янги авлодини суннат қилинглар[b]."
3 Ёшуа тошдан пичоқлар ясатиб, уларни Гивот–харилўт[c] деган
жойда суннат қилдирди. 4 Ёшуа суннат қилганининг сабаби
қуйидагичадир: Мисрдан чиққан, жангга яроқли эркакларнинг
ҳаммаси саҳрода юрганда ўлган эди. 5 Мисрдан чиққанларнинг
ҳаммаси суннат қилинган бўлса–да, саҳрода юрган пайтда
туғилганлар суннат қилинмаган эди. 6 Эгамизга итоат қилмаган,
Мисрдан чиққанда жангга яроқли бўлган наслнинг ҳаммаси
ўлмагунча Исроил халқи қирқ йил саҳрода саргардон бўлиб
юрди. Эгамиз уларга: "Мен ота–боболарингизга ваъда қилиб,
сизларга бераман, деган сут ва асал оқиб ётган юртни[d] ҳеч қачон
кўрмайсизлар", деб қасам ичган эди. 7 Мисрдан чиққанларнинг
ўрнига Эгамиз уларнинг фарзандларини дунёга келтирди. Ўша
янги авлод йўлда суннат қилинмаган эди. Мана шунинг учун
Ёшуа уларни суннат қилди.
8 Ҳамма эркаклар суннат қилингандан кейин, тузалгунча
қароргоҳда қолдилар. 9 Эгамиз Ёшуага: "Бугун мен сизлардан
Мисрдаги қуллик шармандалигини олиб ташладим", — деди.
Шунинг учун ўша жой бугунгача Гилгал[e], деб аталади. 10 Исроил
халқи Гилгалда турган пайтларида ойнинг ўн тўртинчи
кунида[f] кечқурун Ерихо ёнидаги текисликда Фисиҳ байрамини
нишонладилар. 11 Айнан Фисиҳ байрамидан кейинги кун эса

---

[a] **5:2** *Тошдан пичоқлар ясаб....* — Бу пичоқлар қоятошдан ясалган эди. Қоятошни йўниб, унинг учини ўткир қилиш мумкин.

[b] **5:2** *...Исроил халқининг бу янги авлодини суннат қилинглар* — Суннат — Худонинг Ўз халқи билан қилган аҳд белгиси эди ("Ибтидо" 17:9-14 га қаранг). Халқ суннат қилинмай туриб Фисиҳ байрамини нишонлай олмасди ("Чиқиш" 12:43-49 га қаранг).

[c] **5:3** *Гивот–харилўт* — ибронийчада маъноси *Суннат терисининг тепалиги.*

[d] **5:6** *сут ва асал оқиб ётган юрт* — Ниҳоятда ҳосилдор ерни билдирувчи ибора. Мўл–кўл сут мол учун кўм–кўк яйловларнинг кўплигини билдиради. Асал — хурмодан олинадиган қуюқ, ширин мураббога ишора бўлиши мумкин. Мураббонинг мўллиги яхши ҳосил берадиган ерни билдиради.

[e] **5:9** *Гилгал* — бу ном ибронийчадаги *думалатиб ташламоқ* сўзларига оҳангдош. Бу таржимада шу ибронийча сўз *олиб ташладим* деб таржима қилинган.

[f] **5:10** *...ойнинг ўн тўртинчи кунида...* — Иброний календарининг биринчи ойи назарда тутилган (4:19 изоҳига қаранг).

улар ўша ердан чиққан ҳосилдан пиширилган хамиртурушсиз
нон[a] ва ўша ҳосилдан олинган қовурилган дон едилар. 12 Исроил
халқи ўша юртда етиштирилган ҳосилни еган кундан бошлаб,
Худо уларга манна[b] юбормай қўйди. Ўша йил Исроил халқи
Канъон еридан олинган ҳосилни еди, улар маннани бошқа
кўрмади.

### Ёшуа ва қилич ушлаб турган киши

13 Бир куни Ёшуа Ерихо шаҳрининг яқинида турганда
қараса, ўзининг қаршисида қилич ушлаган бир киши турибди.
Ёшуа унинг олдига бориб: "Сен бизникимисан ёки душман
тарафдамисан?" — деб сўради. 14 "Ҳеч қайсиси, — деб жавоб берди
у киши, — Мен Эгамиз лашкарининг лашкарбошисиман. Мана,
келдим." Ёшуа мук тушиб, унга таъзим қилди. "Қулингизга нима
буюрасиз, ҳазратим?" — деб сўради Ёшуа. 15 Эгамиз лашкарининг
лашкарбошиси Ёшуага шундай деди: "Оёқ кийимингни еч, сен
турган ер муқаддасдир." Ёшуа у айтгандай қилди.

### Ерихо қулайди

16 Ерихоликлар, Исроил халқидан қўрқиб, шаҳар дарвозаларини
маҳкамлаб ёпиб, қўриқчилар қўйишди. Энди шаҳарга ҳеч ким
киролмас, у ердан ҳеч ким чиқолмас ҳам эди.

6 1 Эгамиз Ёшуага шундай деди: "Мана, Ерихо шаҳрини шоҳию
сипоҳлари билан бирга сенинг қўлингга бердим. 2 Шаҳар
атрофини барча жангчилар билан бир марта айлангин. Олти
кун шундай қиласан. 3 Еттита руҳоний аҳд сандиғининг олдида
юрсин. Уларнинг қўлида биттадан қўчқор шохидан қилинган
бурғу бўлсин. Еттинчи куни шаҳар атрофини етти марта
айланинглар, руҳонийлар бурғуни чалиб юришсин. 4 Ўша куни
бурғуларнинг узоқ чалинганини эшитиши биланоқ, ҳамма бор

[a] **5:11** *хамиртурушсиз нон* — Фисиҳ байрамидан кейин бир ҳафта давомида Исроил халқи хамиртуруш қўшилган нонларни истеъмол қила олмас эди. Ўша ҳафта Хамиртурушсиз нон байрами деб аталган ("Чиқиш" 12:14-20, 13:3-10 га қаранг).

[b] **5:12** *манна* — Худо Исроил халқига қирқ йил давомида саҳрода етиштириб берган махсус егулик. Манна ҳар куни кечаси, Шанба кундан ташқари, ерда пайдо бўларди, одамлар саҳарда туриб уни йиғиштириб олишарди. Сўнг уни янчиб, нон ёпишарди ёки қайнатиб овқат тайёрлашарди ("Чиқиш" 16:13-35 ва "Саҳрода" 11:4-9 га қаранг).

овози билан бақирсин. Шунда шаҳарнинг деворлари қулайди,
ҳамма шаҳарга ҳужум қилиб, тўғри кириб бораверади.” [5] Ёшуа
руҳонийларни чақириб, уларга шундай деди: “Аҳд сандиғини
кўтаринглар, еттитангиз эса биттадан бурғу олиб, Эгамизнинг
аҳд сандиғи олдида юринг.” [6] Одамларга эса: “Бориб, шаҳарни
айланинглар, қуролланган жангчиларнинг ҳаммаси Эгамизнинг
сандиғи олдида борсин”, — деди.

[7] Ёшуа халққа буюрганидай, Эгамиз олдида еттита руҳоний
бурғуларни чалиб боришар, Эгамизнинг аҳд сандиғи эса
уларнинг орқасидан борарди. [8] Қуролланган кишилар бурғу
чалаётган руҳонийлар олдидан боришди, сандиқнинг орқасидан
эса қоровуллар бўлинмаси борди. Бурғулар тўхтамай чалиниб
турар эди. [9] Ёшуа халққа шундай деган эди: “Мен айтмагунимча,
сизлар бақирманг, овозингизни чиқарманг. Мен сизларга,
бақиринглар, деб айтган кундагина бақирасизлар.” [10] Эгамизнинг
сандиғи шаҳарни бир марта айланиб келди. Улар қароргоҳга
қайтиб келиб, тунни ўша ерда ўтказишди.

[11] Ёшуа эртасига саҳарда турди, руҳонийлар яна Эгамизнинг
сандиғини кўтаришди. [12] Еттита бурғуни кўтарган етти руҳоний
Эгамиз сандиғининг олдида боришди. Улар бурғуларни тўхтамай
чалишарди. Қуролланган кишилар эса уларнинг олдида
боришарди. Эгамизнинг сандиғи орқасида эса қоровуллар
бўлинмаси борарди, бурғулар тўхтамай чалинаётган эди.
[13] Иккинчи куни ҳам улар шаҳар атрофини бир марта айланиб,
қароргоҳга қайтиб келишди. Улар олти кун шундай қилдилар.

[14] Еттинчи куни эрта тонгда туриб, олдингидай шаҳарнинг
атрофини айландилар, фақат ўша куни етти марта айланишди.
[15] Еттинчи марта айланаётганда, руҳонийлар бурғуни чалар экан,
Ёшуа одамларга шундай деди: “Бақиринглар, чунки Эгамиз
шаҳарни бизга берган. [16] Шаҳар аҳолисию унинг ичидаги ҳамма
нарса Эгамизга бағишланиб, йўқ қилинсин[a]. Фақат фоҳиша
Раҳоба ва унинг уйидагиларнинг ҳаммаси тирик қолади, чунки
у биз юборган айғоқчиларни яширган эди. [17] Сизлар эса Эгамизга
бағишланган нарсаларнинг ҳеч бирига яқинлашманг, яна ўша
нарсаларни олиб, ўзингиз ҳам ҳалок бўлманг. Исроил халқининг
қароргоҳига кулфат келтирманг, қароргоҳ вайрона бўлмасин.

---

[a] **6:16** *...бағишланиб, йўқ қилинсин* — Шу ибора билан таржима қилинган ибронийча сўзнинг маъноси қуйидагича: одамлар ёки буюмлар Худога бағишланиб, назр сифатида берилган ёки тамоман қириб ташланган (шу бобнинг 17, 20–оятларида ҳам бор).

[18] Лекин барча олтин, кумуш, ҳамма бронза ва темирдан ясалган
идишлар Эгамизга бағишланган. Улар Эгамизнинг хазинасига
келтирилсин.” [19] Руҳонийлар бурғуларни чалдилар. Халқ бурғу
товушини эшитиши биланоқ баланд овоз билан бақирган эди,
бутун шаҳар деворлари қулаб тушди. Исроил жангчилари
турган жойларидан тўғри шаҳарга кириб, унга ҳужум қилишди.
Исроил жангчилари шаҳарни қўлга киритишди. [20] Улар
шаҳардаги ҳаммани, эркагу аёлларни, ёшу қариларни, мол–қўй,
эшакларни — бутун жонзотни қириб ташладилар.

[21] Ёшуа ўша ерни текшириб келган икки кишига айтди:
“Фоҳишанинг уйига боринглар. Ичган онтингизга амал қилиб,
у билан уйидагиларнинг ҳаммасини олиб чиқинг.” [22] Айғоқчи
бўлган кишилар бориб, Раҳобани, унинг ота–онасини,
ака–укаларини, ҳамма қариндошларини шаҳардан олиб
чиқиб, уларни Исроил қароргоҳининг ёнига, хавфсиз жойга
келтирдилар[a]. [23] Исроил жангчилари шаҳарни унинг ичидаги бор
нарсаси билан ёндириб ташладилар. Фақат олтин, кумуш, бронза
ва темирдан ясалган идишларни Эгамиз уйининг[b] хазинасига
келтирдилар. [24] Фоҳиша Раҳоба ва унинг ҳамма қариндошларини
Ёшуа сақлаб қолди, чунки Ёшуа Ерихони текшириб келиш учун
юборган айғоқчиларни у яширган эди. Унинг хонадони ўшандан
бери Исроилда яшайди[c].

[25] Кейин Ёшуа қасам ичиб, қуйидагиларни айтди:

“Ерихо шаҳрини қайта қурмоқчи бўлган,
Эгамиз олдида лаънати бўлар!
Ўз тўнғич ўғлининг жони эвазига шаҳар пойдеворин қўяр,
Кенжа ўғлининг жони эвазига дарвозалар ўрнатар!”[d]

---

[a] **6:22** *...уларни Исроил қароргоҳининг ёнига...келтирдилар* — Раҳоба ва унинг оиласи Канъонлик бўлганлари учун ҳаром ҳисобланган эдилар. Агар улар Исроил қароргоҳига кирганларида эди, Эгамиз Исроил лашкарига жангда ёрдам бермаган бўларди. Кейинчалик Раҳоба ва унинг хонадони Исроил халқи билан бирлашиб (шу бобнинг 24–оятига қаранг), Раҳоба Салмўнга турмушга чиқади. Шоҳ Довуд Раҳобанинг насли бўлади (“Рут” 4:18-22 га қаранг).

[b] **6:23** *Эгамиз уйи* — Исроил халқи Эгамизга сажда қилган жой, яъни ўша даврдаги Муқаддас чодирга ишора.

[c] **6:24** *Унинг хонадони ўшандан бери Исроилда яшайди* — муаллифнинг гапи. Шу китоб ёзилган вақтда Раҳобанинг хонадони Исроил халқи орасида яшаганини билдиради.

[d] **6:25** *Ерихо шаҳрини...дарвозалар ўрнатар!* — Бу сўзлар шоҳ Ахаб даврида амалга ошган (“3 Шоҳлар” 16:34 га қаранг).

26 Эгамиз Ёшуа билан бирга эди. Ёшуанинг шуҳрати бутун
юртга тарқалди.

### Охуннинг гуноҳи

7 1 Аммо Исроил халқи бағишланган нарсалар[a] ҳақида Эгамиз
берган амрни бузди. Охун исмли бир киши бағишланган
нарсаларнинг бир нечтасини олган экан. Охун Яҳудо қабиласидан
бўлиб, Зерах уруғидан бўлган Зимрининг[b] невараси, Карминнинг
ўғли эди. Эгамиз Исроил халқидан қаттиқ ғазабланди[c].
2 Шу орада Ёшуа бир неча кишини танлаб, уларга: “Бориб, Ай
шаҳрини[d] текшириб келинглар”, — деди. Ай шаҳри Байтилнинг
шарқида, Байт–обун яқинида жойлашган эди. Улар бориб,
текширдилар. 3 Қайтиб келиб, Ёшуага: “Ҳаммамиз боришимиз
шарт эмас, икки — уч мингта одам чиқиб ҳужум қилса, бас. Ай
аҳолисининг сони кам, шунинг учун бутун халқ у ерга бориб
овора бўлмасин”, — дедилар. 4 Шундай қилиб, уч мингтача
одам у ерга чиқди, лекин улар Ай аҳолисининг олдига тушиб
қочдилар. 5 Айликлар шаҳардан чиқиб, Исроил жангчиларини
тош қазиладиган жойгача[e] қувиб бордилар. Қир ён бағрида ўттиз
олтитача Исроил одамларини ўлдирдилар. Бу ҳодисадан кейин
бутун Исроил халқининг юраги орқага тортиб кетди.
6 Шунда Ёшуа билан Исроил оқсоқоллари қайғудан
кийимларини йиртиб, бошларига тупроқ сочдилар. Эгамизнинг
сандиғи олдида ерга мук тушишди–да, кечгача шу ҳолда
қолишди. 7 Ёшуа шундай деди: “Эй, Эгамиз Раббий! Нима учун
бу халқни Иордан дарёсидан олиб ўтдинг? Наҳотки бизларни
Амор халқининг қўлига бериб, йўқ қилиш учун шундай қилган
бўлсанг?! Биз Иорданнинг нариги томонида қолаверсак

---

[a] **7:1** *бағишланган нарсалар* — шу ибора билан таржима қилинган ибронийча сўзнинг маъноси қуйидагича: одамлар ёки буюмлар Худога бағишланиб, назр сифатида берилган ёки тамоман қириб ташланган (шу бобнинг 11, 12, 13, 15–оятларида ҳам бор).

[b] **7:1** *Зимри* — қадимий грекча таржимадан. Ибронийча матнда *Забди* (шу бобнинг 17, 18–оятларида ҳам бор).

[c] **7:1** *Эгамиз Исроил халқидан қаттиқ ғазабланди* — фақат Охун итоатсизлик қилган бўлса–да, Эгамизнинг амри бузилгани учун бутун Исроил халқи жавобгар ҳисобланган.

[d] **7:2** *Ай шаҳри* — Ериходан қарийб 24 километрча ғарбда жойлашган. Байтил шаҳри Айдан қарийб 3 километрча шимоли–ғарбда жойлашган эди.

[e] **7:5** *...тош қазиладиган жойгача...* — ёки *Шебаримгача*. Бу ибронийча сўзнинг маъноси баҳсли.

бўлмасмиди?! 8 Эй, Раббим, яна нима ҳам дердим, мана, Исроил халқи душманларининг олдига тушиб қочди. 9 Энди Канъон халқлари ва мана шу ерлар аҳолисининг ҳаммаси бу ҳақда эшитиб бизни қуршаб оладилар. Номимизни ер юзидан ўчириб юборадилар. Шундай бўлса, улуғворлигингни қандай қилиб кўрсатасан?”

10 Эгамиз Ёшуага деди: “Ўрнингдан тур! Нима учун мук тушиб ётибсан? 11 Исроил халқи гуноҳ қилди, улар билан қилган аҳдимни бузди. Улар Менга бағишланган нарсалардан ўғирлаб олишди. Бунинг устига алдаб, ўғирланган нарсаларни ўзларининг нарсалари орасига яшириб қўйдилар. 12 Шунинг учун Исроил халқи душманларига бас кела олмайди. Чунки уларнинг ўзи ҳам йўқ қилинадиган, Менга бағишланган нарсадай бўлиб қолган. Энди улар душманларига мағлуб бўлиб қочиб юрадилар. Орангиздаги бағишланган нарсаларни йўқ қилмасангиз, Мен сизлар билан бирга бўлмайман.

13 Энди Исроил халқини покла. Уларга шундай дегин:

— Ўзингизни эртанги кун учун тайёрлаб, покланг. Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай айтмоқда: “Эй, Исроил, орангизда Менга бағишланган нарсалар бор. Орангиздаги шу нарсаларни олиб ташламагунингизча, душманларингизга бас кела олмайсиз.” 14 Шунинг учун эрталаб барча қабилалар бирма–бир келишади. Эгамиз бир қабилани танлайди[a]. Ана шу қабиланинг уруғлари ҳам бирма–бир келади. Эгамиз улар орасидан бир уруғни танлайди. Ўша уруғ оилалари бирма–бир келишади. Эгамиз бир оилани танлайди. Ўша оила аъзолари бирма–бир келади. 15 Лаънатланган нарсаларни олган одамни Эгамизнинг Ўзи кўрсатади. Ўша одам бор нарсаси билан оловда ёндирилади, чунки у Эгамиз билан қилинган аҳдни бузиб, Исроилда ақл бовар қилмайдиган иш қилди.”

16 Шундай қилиб, эртаси куни тонгда, Ёшуанинг буйруғига кўра Исроил қабилалари бирма–бир Худонинг ҳузурига келишди. Эгамиз Яҳудо қабиласини танлади. 17 Энди Яҳудо қабиласининг уруғлари бирма–бир келди, шунда Зерах уруғи танланди. Зерах уруғининг оилалари бирма–бир келганда Зимри оиласи

---

[a] **7:14** *Эгамиз...танлайди* — Эгамиз ўз иродасини одамларнинг қуръа ташлаши орқали аён қилган бўлиши мумкин. Қуръа ёғоч бўлаклари ёки тошлардан қилинган бўлиб, ундан бирор нарсани қандай ёки қачон қилишни билиш учун фойдаланилган. Бу ерда қуръа айбдор ким эканини кўрсатган (шу бобнинг 16-18–оятларига қаранг).

танланди. [18] Зимри оила аъзолари бирма–бир келишди, Карми
ўғли Охун танланди. У Яҳудо қабиласидан бўлиб, Зерах уруғидан
бўлган Зимрининг невараси эди. [19] Ёшуа Охунга шундай деди:
“Ўғлим, Исроил халқининг Худоси — Эгамизнинг буюклигини
эътироф этиб, гуноҳингни тан олгин. Нима қилганингни
яширмай менга айтиб бер.” [20] Охун Ёшуага шундай жавоб
берди: “Ҳа, тўғри. Исроил халқининг Худоси — Эгамизга қарши
гуноҳ қилган менман. [21] Ўша куни ўлжа орасида Шинардан[a]
келтирилган чиройли тўнни, 500 мисқол[b] кумуш ва оғирлиги 125
мисқол[c] келадиган бир бўлак тиллани кўриб қолдим. Кўнглим
тусаб, уларни олдим. Уларни чодиримнинг ичида ернинг тагига
кўмиб қўйганман, кумуш энг тагида.”

[22] Ёшуа бир нечта одамни юборди. Улар чодирга югуриб
бориб қарашса, у нарсалар ростдан ҳам ўша ерда яширилган
экан. Уларнинг энг тагида кумуш бор эди. [23] Улар нарсаларни
чодирдан олиб, Ёшуа ва бутун Исроил халқига олиб келишди.
Улар нарсаларни Эгамиз олдига ёйиб қўйишди. [24] Кейин Ёшуа
ва бутун Исроил халқи Зерах ўғли Охунни ўғирланган кумуш,
тўн, тилла бўлаги ҳамда ўғил–қизлари, мол–қўйлари, эшаклари,
чодирию бор нарсаси билан бирга Охор сойлигига олиб боришди.
[25] Ёшуа: “Бошимизга роса ҳам кулфат келтирдинг–ку. Мана энди,
бугун Эгамиз сенинг бошингга ҳам кулфат келтиради”, — деди.
Бутун Исроил халқи Охунни ва унинг оиласини тошбўрон қилиб
ўлдирди–да, уларнинг жасадларини оловда куйдирди. [26] Кейин
уларнинг устига катта бир тош уюми тўпладилар, тошлар
бугунгача ўша ердадир. Шунинг учун ушбу ер ўша пайтдан бери
Охор[d] сойлиги, деб аталади. Шундан кейин Эгамиз ғазабидан
тушди.

## Ай шаҳрининг мағлубияти ва вайрон қилиниши

8 [1] Эгамиз Ёшуага айтди: “Қўрқма, ваҳимага тушма, барча жанг-
га яроқли эркакларни бошлаб, Ай шаҳрига боргин. Мана, Ай
шоҳини унинг халқи, шаҳри ва ери билан бирга сенга берганман.

[a] **7:21** *Шинар* — ҳозирги Ироқнинг жанубида жойлашган ер. Кейинчалик бу ер Бобил шоҳлигига айланган.

[b] **7:21** *500 мисқол* — ибронийча матнда *200 шақал*, тахминан 2,3 килога тўғри келади.

[c] **7:21** *125 мисқол* — ибронийча матнда *50 шақал*, тахминан 570 граммга тўғри келади.

[d] **7:26** *Охор* — ибронийчада маъноси *кулфат*.

[2] Ерихо ва унинг шоҳини нима қилган бўлсангиз, Ай ва унинг
шоҳини ҳам худди шундай қиласизлар. Фақат шаҳардаги мол–
мулкларни ва мол–қўйиларни ўзингизга ўлжа қилиб олсангиз
бўлади. Шаҳарнинг орқасида пистирма қўйинглар.”

[3] Ёшуа ва ҳамма жангга яроқли эркаклар Айга ҳужум қилишга
тайёрланишди. Ёшуа ўз лашкари орасидан ўттиз минг жангчини
танлаб олди. Тунда жўнатаётиб, [4] уларга шундай буйруқ
берди:

— Бориб, шаҳарнинг орқасида пистирма қуринг, шаҳардан
узоққа борманг, ҳаммангиз сергак бўлиб туринг. [5] Мен
одамларим билан шаҳарга яқинлашаман. Улар бизга қарши
чиққанда, олдингидай биз улардан қочамиз. [6] Бизни қувиб,
душманлар шаҳардан анча узоқлашиб кетади. Улар ўзларича:
“Душманларимиз яна олдингидай биздан қочяпти”, деб
ўйлашади. Биз қочаётганимизда эса [7] сизлар пистирмадан чиқиб,
шаҳарни оласизлар. Эгангиз Худо уни сизларнинг қўлингизга
беради. [8] Шаҳарни олганингиздан кейин Эгамиз буюрганидай,
уни ёндирасизлар. Мана шу буйруқларни ижро этинг.

[9] Шу сўзлар билан Ёшуа уларни жўнатиб юборди. Улар Айнинг
ғарбида — Ай ва Байтил оралиғида пистирма қўйиб, ўша ерда
кутиб ётдилар. Ўша тунни Ёшуа қароргоҳда ўтказди.

[10] Эртаси куни, тонг пайти Ёшуа жангчиларини бир жойга
йиғиб, қабилаларнинг бошлиқлари билан бирга уларни
Айга бошлаб борди. [11] Барча жангга яроқли кишилар у билан
кетди. Улар шаҳарга яқинлашиб, Айнинг шимолида қароргоҳ
қуришди. Ай ва уларнинг орасида жарлик бор эди. [12] Ёшуа
беш мингга яқин одамни Айнинг ғарбидаги, Ай ва Байтил
шаҳарларининг оралиғида пистирма қўйишга юборди. [13] Шундай
қилиб, жангчилар жанговар ҳолатга келтирилди. Уларнинг
асосий қисми шаҳарнинг шимолида, қоровуллар бўлинмаси
эса шаҳарнинг ғарбида эди. Ёшуа эса ўша тунни жарликда
ўтказди. [14] Буни кўрган Ай шоҳи эртаси куни тонгда шошилиб,
бутун лашкари билан Иордан водийси [a] рўпарасидаги бир жойга
Исроил халқи билан жанг қилишга борди. Аммо у шаҳарнинг
орқасида ўзига қарши пистирма қўйилганини билмас эди. [15] Ёшуа
ва бутун Исроил лашкари ўзларини енгилаётгандай кўрсатиб,

[a] **8:14** *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба. Араба* умумий географик ном бўлиб, бу оятда Иордан водийсининг Ўлик денгиз шимолидаги бир қисмига нисбатан ишлатилган.

саҳро тарафга[a] қочишди. 16 Ёшуа ва Исроил қўшинини қувиш
учун Ай шаҳридаги барча эркаклар чақирилди. Улар Ёшуа ва
Исроил лашкарини қувиб, шаҳардан анча узоқлашиб кетишди.
17 Ай ва Байтилда Исроил лашкарини қувиш учун чиқмаган
бирорта ҳам эркак қолмади. Шаҳарни қўриқлашга ҳеч кимни
қолдирмай, Исроил лашкарини таъқиб қилдилар.

18 Эгамиз Ёшуага шундай деди: "Қўлингдаги найзани Ай
томонга узат, ўша шаҳарни сенинг қўлингга бераман." Ёшуа
қўлидаги найзасини шаҳар томонга узатди. 19 У қўлини узатиши
биланоқ пистирмада яшириниб ўтирган жангчилар тезда туриб
олдинга югурдилар. Улар шаҳарга киришди. Шаҳарни қўлга
олиб, дарров унга ўт қўйишди. 20 Ай лашкари орқага қараса,
ёнаётган шаҳарнинг тутуни кўкка кўтариляпти. Улар на у
ёққа, на бу ёққа қоча олардилар, чунки саҳрога қочган Исроил
лашкари энди орқага бурилиб, уларга қарши чиққан эди. 21 Ёшуа
ва бутун Исроил лашкари шаҳардан тутун чиқаётганини кўриб,
пистирмадагилар шаҳарни олганини билишди. Шунда улар
орқага бурилиб, Ай шаҳрининг одамларига ҳужум қилдилар.
22 Исроил лашкарининг шаҳардагилари ҳам Ай одамларига
қарши чиқишди. Шундай қилиб, Исроил лашкари уларни у
томондан ҳам, бу томондан ҳам қуршаб олишган эди. Исроил
лашкари уларнинг ҳаммасини қириб ташлади. Ҳеч ким тирик
қолмади, бирортаси ҳам қочиб кета олмади. 23 Аммо Ай шоҳини
тириклигича ушлаб, Ёшуанинг ҳузурига олиб келишди.

24 Исроил лашкари шаҳар ташқарисида — саҳрода бутун Ай
қўшинини қириб ташлашди. Уларнинг ҳаммаси ҳалок бўлгандан
кейин Исроил лашкари Айга бориб, у ерда қолганларнинг
ҳаммасини йўқ қилди. 25 Ўша куни бутун Ай аҳолиси, ҳаммаси
бўлиб ўн икки мингта эркак ва аёл ҳалок бўлди. 26 Айда
яшовчиларнинг ҳаммаси йўқ қилинмагунча[b], Ёшуа найза
ушлаган қўлини туширмади. 27 Эгамиз Ёшуага буюрганидай,
Исроил лашкари фақатгина мол–қўй ва шаҳар аҳолисининг
мол–мулкини ўзларига ўлжа қилиб олди. 28 Ёшуа Айни бутунлай
ёндирди, шаҳар вайронага айланди, у бугунги кунгача[c] шундай

[a] **8:15** *саҳро тараф* — саҳро Ай шаҳридан шарқда жойлашган.
[b] **8:26** *...йўқ қилинмагунча...* — Шу ибора билан таржима қилинган ибронийча сўзнинг маъноси қуйидагича: одамлар ёки буюмлар Худога бағишланиб, назр сифатида берилган ёки тамоман қириб ташланган.
[c] **8:28** *бугунги кунгача* — шу китоб ёзилаётган вақтга ишора (шу бобнинг 29–оятида ҳам бор).

турибди. [29] Ай шоҳини эса дарахтга осдилар, унинг жасади
кечгача ўша ерда осилиб турди. Қуёш ботгандан кейин,
Ёшуанинг буйруғига кўра жасадни олиб, шаҳарга киришдаги
дарвозанинг тагига ташладилар. Унинг устига катта тош уюми
тўпладилар. Шу тош уюми бугунгача ўша ердадир.

### Ёшуа Таврот китобини Эбал тоғида ўқийди

[30] Кейин Ёшуа Исроил халқининг Худоси — Эгамизга Эбал
тоғида қурбонгоҳ қурди[a]. [31] Эгамизнинг қули Мусо уларга
Таврот китобида[b] буюрганидай[c], ҳеч қандай темир асбоб
ишлатмасдан, йўнилмаган тошлардан қурбонгоҳ қурди. Улар
ўша қурбонгоҳда Эгамизга куйдириладиган қурбонлик ва
тинчлик қурбонликлари келтирдилар. [32] Ўша ерда — Исроил
халқининг кўз олдида Ёшуа тошларга Мусо ёзган қонунларнинг
нусхасини ёзди.

[33] Қабила оқсоқоллари, қабила назоратчилари ю ҳакамлари
қаторида бутун Исроил халқи ва уларнинг орасида яшаётган
қондош бўлмаганлар ҳам Эгамиз аҳд сандиғининг қаршисида —
уни кўтариб турган леви руҳонийларининг олдида туришди.
Халқнинг ярмиси Гаризим тоғи этагида, ярмиси Эбал тоғи[d]
этагида турарди. Эгамизнинг қули Мусо, Исроил халқини дуо
қилиш вақти келганда шундай қилинглар, деб буюрган эди.
[34] Кейин Ёшуа Таврот китобида ёзилганидай, қонунларнинг
ҳар бир сўзини, барака ва лаънатларга оид парчаларни ўқиди.
[35] Бутун Исроил жамоаси олдида, аёллару болалар, Исроил халқи
орасида яшаётган, уларга қондош бўлмаганлар олдида, Мусо
уларга буюрган қонунларни Ёшуа битта қолдирмай ўқиди.

### Гивонликлар Ёшуани алдашади

9 [1] Иордан дарёсининг ғарб томонида турадиган барча шоҳлар
Ёшуанинг ғалабалари ҳақида эшитишган эди. Улар қирларда,
қирларнинг этакларида, бутун Ўрта ер денгизи қирғоғи бўйлаб
то шимолдаги Лубнонгача бўлган жойда яшайдиган Хет, Амор,

---

[a] **8:30** *Ёшуа...Эбал тоғида қурбонгоҳ қурди* — Эбал тоғи Ай шаҳридан қарийб 32 километрча шимолда жойлашган.

[b] **8:31** *Таврот китоби* — 1:8 изоҳига қаранг.

[c] **8:31** *...Мусо уларга...буюрганидай...* — “Чиқиш” 20:25 га қаранг.

[d] **8:33** *...Гаризим тоғи...Эбал тоғи...* — Гаризим тоғи Эбал тоғидан жанубда жойлашган. Бу икки тоғ орасидан Шакам водийси ўтган.

Канъон, Париз, Хив ва Ёбус халқларининг шоҳлари эдилар.
[2] Ўша шоҳлар ўз қўшинларини бир қилиб, Ёшуа ва бутун Исроил
халқига қарши жанг қилишга тўпландилар.

[3] Аммо Гивон[a] аҳолиси Ёшуанинг Ерихо ва Ай шаҳарларига
қилган ишлари ҳақида эшитиб, [4] айёрлик билан иш тутди.
Улардан бир нечтаси йўлга тайёргарлик кўриб[b], ўз эшакларига
эски хуржунлар ва эски, йиртилиб ямалган мешларни юкладилар.
[5] Оёқларига эски, ямалган оёқ кийимлар, устиларига эса жулдур
кийимлар кийишди. Улар олган нонларнинг суви қочиб, моғор
босган эди. [6] Улар Гилгалдаги қароргоҳга[c] бориб, Ёшуа ва бутун
Исроил халқига:

— Биз жуда ҳам олис бир юртдан келдик, биз билан сулҳ
тузинглар, — дейишди. [7] Аммо Исроил халқи бу Хив халқидан
бўлганларга[d] шундай деди:

— Балки сизлар бизга яқин жойда яшарсизлар, биз қандай
қилиб сизлар билан сулҳ тузамиз?[e] [8] — Шунда улар Ёшуага:

— Биз сизларнинг қулларингизмиз, — дейишди. Ёшуа эса
улардан:

— Сизлар кимсизлар? Қаердан келдингиз? — деб сўради.
[9] Улар Ёшуага шундай деб жавоб беришди:

— Биз сизнинг қулларингизмиз, Эгангиз Худони деб жуда
ҳам узоқ бир юртдан келдик. Биз сизнинг Худойингиз ҳақида
эшитдик. У Мисрда нима қилганини, [10] Иорданнинг шарқидаги
Амор халқларининг икки шоҳига — Хашбон шоҳи Сиҳўн ва
Аштарўтда яшаган Башан шоҳи Ўгга нималар қилганингизни
эшитдик[f]. [11] Шунинг учун оқсоқолларимиз ва юртимиз
аҳолиси бизни сизларнинг олдингизга юбориб: "Узоқ сафарга

---

[a] **9:3** *Гивон* — Ай шаҳридан қарийб 11 километрча жануби–ғарбда жойлашган шаҳар.

[b] **9:4** *...йўлга тайёргарлик кўриб...* — ёки *ўзларини элчи қилиб кўрсатмоқчи бўлиб*. Бу ибронийча сўзнинг маъноси баҳсли.

[c] **9:6** *Гилгалдаги қароргоҳ* — 4:19 ва ўша оятдаги изоҳга қаранг.

[d] **9:7** *...Хив халқидан бўлганларга...* — Гивонликлар Хив халқидан эдилар. Эгамиз Исроил халқига Хив халқини бошқа халқлар қатори Канъон юртидан ҳайдаб юборишни амр қилганди (3:10 га қаранг).

[e] **9:7** *Балки сизлар бизга яқин жойда яшарсизлар, биз қандай қилиб сизлар билан сулҳ тузамиз?* — Худонинг Мусо орқали берган амрига кўра, Исроил халқи фақат олис юртларда яшайдиган халқлар билан сулҳ тузиши мумкин эди. Канъон юртида истиқомат қилган барча халқларни эса битта қолдирмай қириб ташлаши шарт эди.

[f] **9:10** *...Сиҳўн ва...Ўгга нималар қилганингизни...* — "Саҳрода" 21:21-35 га қаранг.

тайёрланинглар. Исроил халқи олдига етиб боргач, бизнинг
халқимиз уларга қул эканлигини айтиб, улар билан сулҳ тузиб
келинглар", деб тайинлашди. [12] Мана, нонимизга қаранг, йўлга
чиққанимизда иссиққина эди, энди эса суви қочиб, моғор босиб
қолган. [13] Мана бу шароб мешлари уларни тўлдирганимизда
янги эди, энди эса қаранг, ёрилиб кетган, уст–бошимиз ва оёқ
кийимларимиз ҳам йўл узоқлигидан эскириб кетди.

[14] Исроил оқсоқоллари уларнинг озиқ–овқатларини текшириб
кўрдилар, Эгамиздан эса йўл–йўриқ сўрамадилар. [15] Ёшуа улар
билан тинчлик сулҳини тузди. Жамоа оқсоқоллари уларни
ўлдирмасликка қасам ичиб, мана шу сулҳни маъқулладилар.

[16] Сулҳ тузилиб, уч кун ўтгандан кейин Исроил халқи
Гивонликлар ўзларига яқин жойда яшашларини эшитиб қолишди.
[17] Исроил халқи йўлга чиқиб уларнинг шаҳарларига уч кунда
етиб боришди. Гивон, Хафира, Берўт ва Хират–ёрим[a] уларнинг
шаҳарлари эди. [18] Аммо Исроил халқи уларга ҳужум қилмади,
чунки жамоа оқсоқоллари Исроил халқининг Худоси — Эгамиз
номи билан қасам ичиб, уларга ваъда беришган эди. Шунда
бутун жамоа минғиллаб, оқсоқолларга нолиди. [19] Оқсоқоллар
жамоага шундай дедилар:

— Биз уларга Исроил халқининг Худоси — Эгамиз номи билан
қасам ичиб ваъда берганмиз, энди биз уларга тегмаслигимиз
керак. [20-21] Майли, яшайверишсин, ичган қасамимизни бузиб,
бошимизга Эгамизнинг ғазабини келтирмайлик. Аммо
Гивонликлар бутун жамоа учун ўтин ёрувчи, сув ташувчи бўлиб
қолсин.

Шундай қилиб, оқсоқоллар Гивонликларга нисбатан ўз
ваъдасида қолдилар.

[22] Ёшуа Гивонликларни чақириб сўради:

— Бизга яқин жойда яшаркансиз. Нимага, сизлардан узоқ
жойда яшаймиз, деб бизни алдадингиз? [23] Шунинг учун энди
сизлар лаънатисизлар, сизлар энди абадий менинг Худойим уйи[b]
учун ўтин ёрувчи, сув ташувчи қул бўлиб қоласизлар.

[24] Улар Ёшуага жавоб бердилар:

— Биз аниқ эшитдик, Эгангиз Худо Ўзининг қули Мусога бутун

---

[a] **9:17** *Гивон, Хафира, Берўт ва Хират–ёрим* — бу шаҳарлар Исроил халқининг Гилгалдаги қароргоҳидан қарийб 30-50 километрча ғарбда жойлашган эди.

[b] **9:23** *менинг Худойим уйи* — Исроил халқи Худога сажда қилган жой, яъни ўша даврдаги Муқаддас чодирга ишора.

юртни сизларга бериб, унинг бутун аҳолисини қириб ташлашни
буюрибди. Ўз жонимизни ўйлаб, сизлардан қўрққанимиздан шу
ишни қилдик. 25 Энди биз сизнинг қўлингиздамиз, нима тўғри
ва нима яхши, деб ўйласангиз, бизни шундай қилинг.

26 Исроил халқи Гивонликларни ўлдиришига Ёшуа йўл
қўймади. 27 Аммо ўша куни Ёшуа уларни, Эгамизнинг қурбонгоҳи
қаерда қурилишидан қатъий назар, ана шу қурбонгоҳ ва Исроил
жамоаси учун ўтин ёрувчи ва сув ташувчи қилиб қўйди. Ҳатто
бугунгача[a] уларнинг вазифаси шудир.

## Исроил халқи жанубдаги шоҳларни мағлуб қилади

10 1 Қуддус[b] шоҳи Одонисидиқ эшитдики, Ёшуа Ай шаҳрини
қўлга киритибди, уни бутунлай вайрон қилибди[c], Ерихо
ва унинг шоҳига нималар қилган бўлса, Ай шаҳрини ва унинг
шоҳини ҳам шундай қилибди. Гивонликлар ҳам Исроил халқи
билан сулҳ тузиб, энди уларнинг орасида яшаётганини эшитиб
2 жуда қўрқиб кетди. Ахир, Гивон шаҳри улкан шаҳар бўлиб, ўз
шоҳига эга бўлган шаҳарлардай катта, Ай шаҳридан ҳам каттароқ
эди–да. Гивон аҳолисининг барча эркаклари ҳам жуда моҳир
жангчи эдилар. 3 Хеврон шоҳи Ҳўҳам, Ярмут шоҳи Пиром, Лахиш
шоҳи Ёфия ва Эглон[d] шоҳи Дабир Қуддус шоҳи Одонисидиқдан
шундай хабар олишди: 4 “Келиб, менга ёрдам беринг. Бирга
Гивонга ҳужум қилайлик, чунки улар Ёшуа ва бутун Исроил
халқи билан сулҳ тузибди.” 5 Шунда Қуддус шоҳи, Хеврон шоҳи,
Ярмут шоҳи, Лахиш шоҳи ва Эглон шоҳи — Амор халқларининг
бешала шоҳлари кучларини йиғдилар. Барча қўшинлари билан
Гивонни ўраб олиб, ҳужум қилдилар.

6 Гивонликлар Ёшуага — Гилгалдаги қароргоҳга шундай хабар
юбордилар: “Қирлардаги ҳамма Амор шоҳлари ўз қўшинлари
билан бизларга қарши йиғилишди. Қулларингизни тарк этманг!

---

[a] **9:27** *бугунгача* — шу китоб ёзилаётган вақтга ишора.
[b] **10:1** *Қуддус* — ўша пайтда Қуддус шаҳри Исроил халқига эмас, балки Ёбус халқига тегишли эди.
[c] **10:1** *...бутунлай вайрон қилибди...* — Шу ибора билан таржима қилинган ибронийча сўзнинг маъноси қуйидагича: одамлар ёки буюмлар Худога бағишланиб, назр сифатида берилган ёки тамоман қириб ташланган (шу бобнинг 28, 35, 37, 39, 40–оятларида ҳам бор).
[d] **10:3** *Хеврон...Эглон...* — Хеврон шаҳри Қуддусдан қарийб 32 километрча жануби–ғарбда жойлашган эди. Ярмут, Лахиш ва Эглон шаҳарлари Қуддусдан қарийб 25-55 километрча жануби–ғарбда жойлашган эди.

Тез келиб бизларни қутқаринг, бизга ёрдам беринг.” 7 Ёшуа
бутун лашкари билан Гилгалдан чиқди. Уларнинг орасида
энг зўр жангчилар ҳам бор эди. 8 Эгамиз Ёшуага шундай деди:
“Улардан қўрқма, уларни сенинг қўлингга берганман, уларнинг
бирортаси ҳам сенга бас кела олмайди.” 9 Ёшуа ўз лашкари
билан Гилгалдан[a] чиққандан кейин туни билан йўл босиб,
Амор қўшинларининг устига тўсатдан бостириб борди. 10 Бутун
Исроил лашкари олдида Эгамиз Амор қўшинларини ваҳимага
солди. Исроил лашкари Гивонда уларнинг кўпларини қиличдан
ўтказди. Байт–хўронга чиқадиган йўл билан қувиб, то Озикаҳ
ва Маккедога етиб[b] боргунча йўлда Амор қўшинларини йўқ
қилди.

11 Улар Исроил лашкаридан қочиб, Байт–хўрондан пастга
тушаётганда, Эгамиз осмондан уларнинг устига Озикаҳга
етгунларича йирик дўл ёғдирган эди. Уларнинг кўплари дўл
остида ҳалок бўлди. Исроил лашкарининг қиличидан ҳалок
бўлганларга қараганда, дўл тегиб ўлганлар кўпроқ эди.

12 Эгамиз Амор халқларини Исроил лашкарининг қўлига
берган куни Ёшуа Эгамизга гапириб, бутун Исроил халқи олдида
шундай деди:

> “Эй, қуёш, тек тургин Гивон шаҳрида,
> Оймомо, сен эса Ойжавлон водийсида[c].”

13 Қуёш ҳам, ой ҳам қимирламай, халқ ўз душманларидан
қасос олмагунча, осмонда тўхтаб тураверди. “Ёшур” китобида[d]
шу ҳақида ёзилган. Қуёш осмоннинг ўртасида тўхтаб, кун бўйи
ботмай турди. 14 Ўша куни Исроил халқи учун Эгамизнинг Ўзи
жанг қилди. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам Эгамиз инсоннинг
илтижосига жавоб берган бундай кун бўлмаган.

15 Шундан кейин Ёшуа ва бутун лашкар Гилгалдаги қароргоҳга
қайтиб кетишди.

---

[a] **10:9** *...Гилгалдан...* — Гивон ва Гилгал орасидаги масофа қарийб 32 километрга тўғри келарди.

[b] **10:10** *...Озикаҳ ва Маккедога етиб...* — Қарийб 30 километрли масофа.

[c] **10:12** *Ойжавлон водийси* — Гивон шаҳридан қарийб 15 километрча ғарбда жойлашган.

[d] **10:13** *“Ёшур” китоби* — ибронийчада маъноси *Солиҳлар китоби.* Қадимий жангнома қўшиқларнинг мажмуаси бўлиши мумкин. Бу китоб ҳозирги кунгача сақланиб қолмаган. “2 Шоҳлар” 1:18 да ҳам ўша китобга ишора қилинган.

## Ёшуа жанубдаги бешта шоҳни ўлдиради

16 Бешала шоҳ қочиб, Маккедодаги ғорга яшириниб олишган
эди. 17 Ёшуага: “Бешта шоҳ топилди, улар Маккедодаги ғорнинг
ичига яшириниб олишган экан”, — деб айтишди. 18 Ёшуа шундай
деди: “Катта тошлар олиб, ғорнинг оғзини ёпинглар. Шоҳлар
чиқиб кетмаслиги учун, у ерга қўриқчилар тайинланглар, 19 лекин
ҳаммангиз ҳам ўша ерда қолиб кетманг. Душман лашкарларини
қувиб, уларга орқадан ҳужум қилинг. Уларни ўз шаҳарларига
киришларига йўл қўйманг, чунки Эгангиз Худо душманларни
сизнинг қўлингизга берган.” 20 Ёшуа ва бутун Исроил лашкари
душманларнинг деярли ҳаммасини қиличдан ўтказди. Фақат
бир–иккитасигина ўз мустаҳкам шаҳарларига қочиб бориб,
тирик қолди. 21 Бутун Исроил лашкари Маккедодаги қароргоҳга
соғ–саломат қайтиб борди. Шундан кейин ўша ерлардаги ҳеч ким
Исроил халқига қарши гапиришга журъат эта олмади.

22 Ёшуа: “Ғорнинг оғзини очиб, бешта шоҳни менинг олдимга
олиб келинглар”, деб буюрди. 23 Унинг айтганини қилиб, бешта
шоҳни — Қуддус, Хеврон, Ярмут, Лахиш ва Эглон шаҳарларининг
шоҳларини ғордан олиб чиқиб, унинг олдига олиб келишди.
24 Ёшуа бутун Исроил жангчиларини йиғиб, ўша бешта шоҳни
ерга ётқизди. Жангчиларнинг бошлиқларига эса шундай деди:
“Яқинроқ келиб, оёқларингизни шоҳларнинг бўйниларига
қўйинглар.” Улар келиб, оёқларини шоҳларнинг бўйниларига
қўйдилар. 25 Ёшуа гапида давом этди: “Энди қўрқманг, ваҳимага
тушманг, фақатгина дадил ва ботир бўлинглар. Эгамиз сизга
қарши чиқадиган ҳамма душманларни шу кўйга солади.”
26 Шундан кейин Ёшуа шоҳларни ўлдириб, уларнинг жасадларини
бешта дарахтга осиб қўйди. Жасадлар кечгача дарахтларда
осилиб турди. 27 Қуёш ботганда, Ёшуанинг буйруғига кўра,
шоҳларнинг жасадларини дарахтлардан тушириб, илгари ўша
шоҳлар яширинган ғорнинг ичига ташладилар. Ғорнинг оғзини
эса катта–катта тошлар билан ёпиб қўйдилар. Ўша тошлар
бугунгача ўша ердадир.

## Ёшуа жанубдаги шаҳарларни вайрон қилади

28 Ёшуа ўша куни Маккедо шаҳрини[a] босиб олди, унинг
аҳолисини шоҳи билан бирга қиличдан ўтказди. Шаҳардаги ҳар

[a] **10:28** *Маккедо шаҳри* — бу шаҳар, шунингдек, шу бобнинг 28-38–оятларида айтиб ўтилган ҳамма шаҳарлар Фаластиннинг жанубида жойлашган эди.

бир кишини йўқ қилди, у ерда бирорта ҳам тирик жон қолмади.
Ерихонинг шоҳига нима қилган бўлса, Маккедонинг шоҳига ҳам
шундай қилди.
29 Кейин Ёшуа бутун Исроил лашкари билан Маккедодан
Либна шаҳрига бориб, Либнага ҳужум қилди. 30 Эгамиз Либна
ва унинг шоҳини ҳам Исроил лашкарининг қўлига берди. Улар
бутун шаҳар аҳолисини қиличдан ўтказиб, бирорта ҳам тирик
жон қолдирмадилар. Ерихо шоҳига нима қилган бўлса, Либна
шоҳига ҳам шундай қилишди.
31 Ёшуа ва барча Исроил жангчилари Либнадан Лахиш
шаҳрига бордилар. Шаҳарни қуршовга олиб, ҳужум қилишди.
32 Эгамиз Лахишни Исроил лашкарининг қўлига берди. Улар
иккинчи куни шаҳарни босиб олишди. Худди Либнадагидай бу
шаҳарнинг ҳам бутун аҳолисини қиличдан ўтказишди.
33 Гезер шаҳрининг шоҳи Хўром Лахиш шаҳрига ёрдамга
келган эди, Ёшуа Хўромни ва унинг бутун қўшинини бирорта
ҳам тирик жон қолдирмай йўқ қилди.
34 Исроил лашкари Ёшуа билан Лахишдан чиқиб Эглон
шаҳрига борди. Уни ҳам қуршовга олиб, ҳужум қилди. 35 Худди
Лахишдагидай Эглонни ҳам бир кун ичида босиб олиб, унинг
барча аҳолисини йўқ қилди.
36 Бундан кейин Ёшуа билан Исроил лашкари Эглондан Хеврон
шаҳрига боришди. Ўша шаҳарга ҳужум қилишди. 37 Хевронни
қўлга олиб, унинг шоҳини, бутун аҳолисини, ҳатто атрофидаги
қишлоқларнинг аҳолисини ҳам бутунлай йўқ қилдилар. Худди
Эглондагидай битта ҳам тирик жон қолдиришмади.
38 Кейин Ёшуа бутун Исроил лашкари билан Давир шаҳрига
бориб, унга ҳужум қилди. 39 Шаҳарни қўлга киритиб, унинг
шоҳи, бутун аҳолиси ва ҳатто атрофидаги қишлоқларнинг
аҳолисини ҳам бутунлай йўқ қилди. Хеврон, Либна шаҳарлари
ва уларнинг шоҳларига нима қилган бўлса, Давир ва унинг
шоҳини ҳам худди шундай қилиб, шаҳарда бирорта ҳам тирик
жонзот қолдирмади.
40 Ёшуа бутун юртни — қирларнию Нагав чўлини[a], ғарбдаги
қирлар этакларини, шарқдаги қир ён бағирларини босиб олди
ва шу жойларнинг шоҳларини мағлуб қилди. Исроил халқининг
Худоси — Эгамиз буюрганидай, Ёшуа ҳеч кимни тирик қолдирмади,
ҳаммани қириб ташлади. 41 Ёшуа Кадеш–барнадан Ғазогача бўлган

[a] **10:40** *Нагав чўли* — Исроилнинг жанубидаги, Ўлик денгиздан жануби–ғарбда жойлашган ерлар.

шаҳарларни, бутун Гўшен ерини[a], шимолдаги Гивонгача бўлган
ерларни босиб олди. [42] Ёшуа бу шоҳлар ва уларнинг ерларини бир
юришдаёқ босиб олди, чунки Исроил халқининг Худоси — Эгамиз
Ўз халқи учун жанг қилди. [43] Кейин Ёшуа Исроил лашкари билан
бирга Гилгалдаги қароргоҳга қайтиб борди.

### Исроил халқи шимолдаги шоҳларни мағлуб қилади

11 [1] Хазор шаҳрининг[b] шоҳи Ёбин Ёшуанинг ғалабалари
ҳақида эшитди. У қуйидаги шоҳларга шошилинч хабар
юборди: Мадон шоҳи Йўвовга, Шимрон шоҳига, Ахшоф шоҳига,
[2] шимолдаги қирларнинг шоҳларига, Жалила кўлининг[c] жанубидаги
Иордан водийсининг[d] шоҳларига, қир этакларидаги шоҳларга,
ғарбдаги Нафўт–дўр шоҳларига, [3] шарқ ва ғарбдаги Канъон
халқларининг шоҳларига, Амор, Хет, Париз халқларининг шоҳларига,
қирлардаги Ёбус шоҳларига, Миспах еридаги[e], Хермон тоғининг
этагида яшайдиган Хив халқига. [4] Улар бутун лашкарлари, жуда
кўп отларию жанг араваларини тўплаб, Исроил халқига қарши жанг
қилиш учун йиғилишди. Уларнинг жангчилари денгиз қирғоғидаги
қумдай сон–саноқсиз эди. [5] Исроил халқи билан жанг қилишга мана
шу шоҳларнинг ҳаммаси лашкарларини бирлаштиришди. Улар
Мером[f] сувлари олдида қароргоҳ қурдилар.

[6] Эгамиз Ёшуага шундай деди: “Улардан қўрқмагин, Мен
Ўзим уларни сизларнинг қўлингизга бераман, эртага шу пайтда
уларнинг ҳаммаси ўлган бўлади. Уларнинг отларини майиб
қилиб, жанг араваларини ёндирасизлар.” [7] Ёшуа ўзининг бутун

---

[a] **10:41** *Гўшен ери* — Яҳудо қабиласига берилган қирлар ва жанубда жойлашган Нагав чўли оралиғидаги ерлар. “Ибтидо” ва “Чиқиш” китобларида тилга олинган Миср юртидаги Гўшен эмас.

[b] **11:1** *Хазор шаҳри* — Жалила кўлидан қарийб 15 километрча шимолда жойлашган. Бу шаҳар ва бобнинг 1-15–оятларида айтиб ўтилган ҳамма шаҳарлар Фаластиннинг шимолида жойлашган.

[c] **11:2** *Жалила кўли* — ибронийча матнда *Кенерет*, қадимда Жалила кўлига ва унинг атрофидаги ерларга нисбатан ишлатилган яна бир ном.

[d] **11:2** *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба. Араба* умумий географик ном бўлиб, Иордан водийсига нисбатан ишлатилган.

[e] **11:3** *Миспах ери* — шу бобнинг 8–оятидаги Миспах водийсига ишора қилинган бўлиши мумкин. Мазкур оятдаги Миспах 15:38 ва 18:26 да Миспах деб номланган икки жойдан бошқа жой. Эски Аҳдда бир нечта жой Миспах деган ном билан юритилган.

[f] **11:5** *Мером* — Жалила кўлидан қарийб 13 километрча шимоли–ғарбда жойлашган шаҳарга ишора қилинган бўлиши мумкин.

лашкари билан Миромга бориб, душман қўшинлари устига
тўсатдан ҳужум қилди. [8] Эгамиз Исроил лашкарига душманлари
устидан ғалаба берди. Исроил лашкарлари душманларини шимол
томонда Буюк Сидон ва Мисрафўт–майимгача, шарқ томонда эса
Миспах водийсигача[a] қувиб бориб, уларнинг ҳаммасини ҳалок
қилди. Душманларнинг бирортаси ҳам тирик қолмади. [9] Ёшуа
улар билан Эгамиз буюрганидай қилди, уларнинг отларини
майиб қилиб, жанг араваларини ёндириб ташлади.

[10] Ўшандан кейин Ёшуа ўз лашкари билан орқага қайтиб,
Хазор шаҳрига борди. Уни қўлга киритиб, шоҳини ҳалок қилди.
У пайтда Хазор ўша шоҳликлар орасида энг қудратлиси эди.
[11] Исроил лашкари шаҳар аҳолисининг ҳаммасини бутунлай
йўқ қилди[b]. У ерда бирорта ҳам тирик жон қолмади. Шаҳарни
эса ёндириб ташлашди. [12] Ёшуа билан Исроил лашкари ўша
шаҳарларнинг ҳаммасини босиб олиб, уларнинг шоҳларию
барча аҳолисини қиличдан ўтказди. Эгамизнинг қули Мусо
буюрганидай, уларни бутунлай вайрон қилди. [13] Исроил
лашкари тепаликларда[c] қурилган шаҳарлардан фақатгина Хазор
шаҳрини ёндириб ташлади. [14] Исроил лашкари шаҳарлардаги
мол–мулкларни ва барча чорвани ўзларига ўлжа қилиб олдилар.
Аммо шаҳарларнинг барча аҳолисини қиличдан ўтказдилар.
У ерда бирорта ҳам тирик жон қолмади. [15] Эгамиз ўз қули
Мусога берган амрларни Мусо Ёшуага етказган эди. Ёшуа Мусо
айтгандай қилиб, барча амрларни битта қолдирмай бажарди.

### Ёшуа қўлга киритган ерлар

[16] Шундай қилиб, Ёшуа бутун юртни: жанубий қирлару
ўша қирларнинг этакларини, бутун Нагав чўлини[d], бутун
Гўшен ерини[e], Иордан водийсини, шимолий қирлар ва ўша
қирларнинг этакларини босиб олди. [17] Исроил халқи босиб олган

[a] **11:8** *...Буюк Сидон ва Мисрафўт–майимгача...Миспах водийсигача...* — Бу учта жой Миромдан қарийб 30-55 километрча шимолда жойлашган.

[b] **11:11** *...бутунлай йўқ қилди* — Шу ибора билан таржима қилинган ибронийча сўзнинг маъноси қуйидагича: одамлар ёки буюмлар Худога бағишланиб, назр сифатида берилган ёки тамоман қириб ташланган (шу бобнинг 12, 20, 21–оятларида ҳам бор).

[c] **11:13** *тепалик* — асрлар давомида янги шаҳарлар эски шаҳарларнинг вайроналари устига қурилган бўлиб, тепаликларни ҳосил қиларди. Бу оятда шундай тепаликларга ишора қилинган. Исроил халқи бу тепаликларни қўлга киритган ва у ердаги шаҳарларда яшаган бўлиши мумкин.

[d] **11:16** *Нагав чўли* — 10:40 изоҳига қаранг.

[e] **11:16** *Гўшен ери* — 10:41 изоҳига қаранг.

ернинг жанубий чегараси Сеир юрти ёнидаги Халак тоғи эди,
шимолдаги чегараси эса Хермон тоғининг этагида жойлашган
Лубнон водийсидаги Баал–гад шаҳри эди. Ёшуа ўша ерларнинг
шоҳларини мағлуб қилиб, ҳаммасини ҳалок қилди. [18] Бу шоҳларни
мағлуб қилгунча, Ёшуа узоқ вақт улар билан уруш қилган эди.
[19] Гивондаги Хив халқидан ташқари[a] ҳеч бир шаҳар аҳолиси
Исроил халқи билан сулҳ тузмаган эди. Уларнинг ҳаммаси жангда
мағлуб бўлишди. [20] Эгамиз ўша халқларни ўжару такаббур қилиб
қўйгани учун, улар Исроил халқига қарши жангга чиқаверди.
Эгамиз Мусога буюрганидай, Исроил лашкари уларни бутунлай
йўқ қилиб, шафқатсиз ўлдиришлари учун шундай қилган эди.

[21] Ўша пайтда Ёшуа қирларда яшаган Инoқ авлодини[b] йўқ
қилиб ташлаган эди. Улар Хеврон, Давир, Онов шаҳарларида,
бутун жанубий ва шимолий қирларда яшардилар. Ёшуа уларни
ўлдириб, шаҳарларини вайрон қилди. [22] Исроил халқининг
юртида Инoқ авлодидан ҳеч ким қолмади, фақатгина Ғазо, Гат
ва Ашдод шаҳарларида[c] бир нечтаси қолди. [23] Шундай қилиб,
Мусога Эгамиз айтганидай, Ёшуа бутун юртни қўлга киритди.
Ёшуа бу ерларни Исроил халқининг қабилаларига мулк қилиб
берди. Энди юртда тинчлик барқарор бўлди.

## Иордан дарёсининг шарқида мағлуб бўлган шоҳлар

12 [1] Мусо бошчилигида Исроил халқи Иордан дарёсининг шар
қида бўлган шоҳларни мағлуб қилиб, уларнинг ерларини
эгаллаб олган эди. Бу шоҳлар жанубдаги Арнон сойлигидан
шимолдаги Хермон тоғигача бўлган ерларда ҳукмронлик қилган
эди. Уларнинг ерлари Иордан водийсининг[d] шарқидаги барча
ерларни ўз ичига олар эди.

[2] Исроил халқи мағлуб қилган шоҳлардан бири Амор халқининг
шоҳи Сиҳўн[e] эди. У Хашбон шаҳрида яшаган эди. Унинг шоҳлиги

[a] **11:19** *Гивондаги Хив халқидан ташқари...* — 9:3-15 га ва 9:7 изоҳига қаранг.

[b] **11:21** *Инoқ авлоди* — Исроил халқидан аввал Фаластинда яшаган, улар гавдаси улкан ва кучли жангчилари билан машҳур бўлган бир халқ эди ("Саҳрода" 13:34 га қаранг).

[c] **11:22** *Ғазо, Гат ва Ашдод шаҳарлари* — бу шаҳарлар Филистияда, Ўрта ер денгизининг қирғоғи ёнида жойлашган эдилар.

[d] **12:1** *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба* (шу бобнинг 3, 8–оятларида ҳам бор). *Араба* умумий географик ном бўлиб, Иордан водийсига нисбатан ишлатилган.

[e] **12:2** *Исроил халқи мағлуб қилган шоҳлардан бири...Сиҳўн эди* — "Саҳрода" 21:21-31 га қаранг.

Арнон сойлигининг четида жойлашган Ароер шаҳрини ва ўша
сойликнинг ўртасидан то Явоқ дарёсигача чўзилган жойларни,
яъни Гиладнинг ярмини ўз ичига олар эди. Явоқ дарёси Оммон
халқи ерининг чегараси эди. [3] Сихўн Иордан водийсининг
шарқ томонида ҳам ҳукмронлик қилган эди. Бу ҳудуд шимол
томондаги Жалила кўлининг[a] ғарбий қирғоқларигача, жануб
томондаги Ўлик денгизгача[b], Байт–яшимўтдан Фисгах қир ён
бағирларигача бўлган жойларни ўз ичига олар эди.

[4] Мағлуб бўлган Башан шоҳи Ўг[c] ўз шаҳарлари Аштарўт ва
Эдрейда яшарди. У Рафа халқининг[d] қолганларидан бири эди.
[5] Унинг шоҳлиги шимолдаги Хермон тоғигача, шарқдаги Салко
шаҳригача чўзилиб, ғарбдаги Гашур ва Махо шоҳликларининг
чегараларигача етиб борган Башан ерларини ҳам ўз ичига олган
эди. Бу шоҳлик яна Гиладнинг шимолий ярмини ҳам ўз ичига
олиб, Хашбон шоҳи Сихўн ҳудуди чегарасигача етиб борарди.
[6] Эгамизнинг қули Мусо ва Исроил халқи мана шу икки шоҳни
мағлуб қилиб, уларнинг ерларини эгаллаб олишган эди. Мусо
шу ерларни Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг
ярмига[e] мулк қилиб берган эди.

### Иордан дарёсининг ғарбида мағлуб бўлган шоҳлар

[7] Иорданнинг ғарбида — шимолдаги Лубнон водийсида
жойлашган Баал–гаддан тортиб, жанубдаги Сеир ёнида
жойлашган Халак тоғигача бўлган жойларда яшаган шоҳларни
Исроил халқи Ёшуа бошчилигида мағлуб қилди. Ўша шоҳларнинг
ерларини Ёшуа Исроил қабилаларига мулк қилиб бўлиб берди.
[8] Қирларни, қирларнинг этакларини, Иордан водийсию унинг
ғарбидаги қир ён бағирларини, Яҳудо саҳросидаги ва Нагав
чўлидаги[f] ерларни бўлиб берди. Бу ерларда Хет, Амор, Канъон,

[a] **12:3** *Жалила кўли* — ибронийча матнда *Кенерет*, қадимда Жалила кўлига ва унинг атрофидаги ерларга нисбатан ишлатилган яна бир ном.

[b] **12:3** *Ўлик денгиз* — ибронийча матнда *Араба денгизи* — *Туз денгизи. Араба* умумий географик ном бўлиб, бу оятда Ўлик денгиз жойлашган чўл ерни билдиради.

[c] **12:4** *Мағлуб бўлган Башан шоҳи Ўг...* — “Саҳрода” 21:33-35 га қаранг.

[d] **12:4** *Рафа халқи* — Исроил халқидан аввал Фаластинда яшаган, улар гавдаси улкан ва кучли жангчилари билан машҳур бўлган бир халқ эди.

[e] **12:6** *Манаше қабиласининг ярми* — Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашган қабиланинг ярмига ишора (1:12-14, 13:8, 29-32 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашганди (22:6-8 га қаранг).

[f] **12:8** *Нагав чўли* — 10:40 изоҳига қаранг.

Париз, Хив ва Ёбус халқлари яшашарди. Исроил халқи мағлуб қилган шоҳлар қуйидагилардир:

9 Ерихо шоҳи,
Байтилнинг ёнидаги Ай шоҳи,
10 Қуддус шоҳи,
Хеврон шоҳи,
11 Ярмут шоҳи,
Лахиш шоҳи,
12 Эглон шоҳи,
Гезер шоҳи,
13 Давир шоҳи,
Гедер шоҳи,
14 Ҳўрмах шоҳи,
Арод шоҳи,
15 Либна шоҳи,
Адуллам шоҳи,
16 Маккедо шоҳи,
Байтил шоҳи,
17 Таппух шоҳи,
Хафер шоҳи,
18 Офоқ шоҳи,
Шорўн шоҳи,
19 Мадон шоҳи,
Хазор шоҳи,
20 Шимрон–марон шоҳи,
Ахшоф шоҳи,
21 Танах шоҳи,
Махидў шоҳи,
22 Кедеш шоҳи,
Кармилдаги Ёхнаём шоҳи,
23 Нафўт–дўрдаги[a] Дўр шоҳи,
Гилгалдаги[b] Гўйим шоҳи,
24 Тирза шоҳи.

Исроил халқи ҳаммаси бўлиб ўттиз битта шоҳни мағлуб қилди.

---

[a] **12:23** *Нафўт–дўр* — ибронийча матнда бу номнинг бошқача варианти *Нафат–дўр*.
[b] **12:23** *Гилгал* — ибронийча матндан. Қадимий грекча таржимада *Жалила*.

## Исроил халқи ҳали босиб олмаган ерлар

13 1 Йиллар ўтиб, Ёшуа анча кексайиб қолган пайтда Эгамиз
унга шундай деди: “Сен қаридинг, ёшинг ҳам ўтиб қолди,
лекин бу юртнинг кўп жойлари ҳали босиб олинмаган. 2 Исроил
халқи ҳали қуйидаги ерларни эгалламаган: бутун Филист ва
Гешир халқининг ерлари, 3 яъни ҳозир Канъон халқига тегишли
бўлиб, Мисрнинг шарқий чегарасидаги Шихор ирмоғидан[a]
шимолдаги Эхрон чегараларигача бўлган ерлар. Ўша жойда
Филист халқининг бешта ҳукмдори яшайди. Улар қуйидаги
шаҳарларда ҳукмронлик қилади: Ғазо, Ашдод, Ашқалон, Гат
ва Эхрон. Жанубдаги Ав халқининг[b] ерлари ҳам ҳали босиб
олинмаган. 4 Шимолда эса Исроил халқи ҳали қуйидаги ерларни
босиб олмаган: Канъон халқининг барча ерлари. Бу ерлар
Сидон халқига тегишли бўлган Мерахни ўз ичига олиб, шимол
томонга, Амор халқи ерларининг чегарасидаги Офоқ[c] деган
жойгача чўзилади. 5 Яна Габолликларнинг[d] ерларини, Лубнон
тоғли ерларининг шарқ томонини — Хермон тоғининг этагидаги
Баал–гаддан Лево–хоматгача[e] бўлган жойларни, 6 Лубнондан
Мисрафўт–майимгача бўлган қирларнинг аҳолиси — барча
Сидонликларни ҳам Исроил халқи ҳали мағлуб қилмаган. Мен
Ўзим мана шу халқларни бу юртдан, Исроил халқининг олдидан
ҳайдайман. Мен сенга буюрганимдай, мана шу ерларни албатта
Исроил халқига мулк қилиб бергин. 7 Хуллас, мана шу ерларни
қолган тўққизта қабилага ва Манаше қабиласининг ярмига[f] мулк
қилиб бўлиб бергин.”

[a] **13:3** *Шихор ирмоғи* — ёки ҳозирги Ариш сойлиги деган Синай ярим оролининг шимоли–шарқидаги сойликка ё Нил дарёсининг шарқий ирмоғига ишора қилинган бўлиши мумкин (яна 15:4, 47, “Ибтидо” 15:18 ва “Саҳрода” 34:5 га қаранг).

[b] **13:3** *Ав халқи* — Филист халқи юртни босиб олишдан олдин Ўрта ер денгизи бўйида истиқомат қилган халқ. Ав халқининг омон қолганлари Филист халқидан жанубда ўрнашган эдилар.

[c] **13:4** *Офоқ* — 12:18 да айтиб ўтилган Офоқ эмас. Мазкур оятдаги Офоқ ҳозирги Бейрутдан қарийб 40 километрча шимолда жойлашган бўлиши мумкин.

[d] **13:5** *Габол* — Ўрта ер денгизи бўйидаги қадимги Финикияга қарашли шаҳар, Тир шаҳрининг шимолида жойлашган.

[e] **13:5** *Лево–хомат* — ёки *Хомат довони.*

[f] **13:7** *Манаше қабиласининг ярми* — Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашган қабиланинг ярмига ишора (22:6-8 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашганди (шу бобнинг 8, 29-32–оятларига ва 1:12-14 га қаранг).

### Иордан дарёсининг шарқидаги ерлар

[8] Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг бошқа ярми
Иордан дарёсининг шарқида ўз улушларини олиб бўлган эдилар.
Уларга бу ерларни Эгамизнинг қули Мусо берган эди. [9] Уларнинг
ҳудуди жанубдаги Арнон сойлигининг четида жойлашган Ароер
шаҳридан тортиб сойликнинг ўртасидаги шаҳаргача чўзилиб,
Мидаводан Дибонгача бўлган бутун ясси тепаликни ўз ичига
олади. [10] Бу ҳудуд Хашбон шаҳрида ҳукмронлик қилган Амор
халқининг шоҳи Сихўн қўли остида бўлган ҳамма шаҳарларни,
Оммон халқининг чегарасигача бўлган ерларни ўз ичига
оларди. [11] Гилад ҳудуди, Гашур ва Махо халқларининг ерлари,
шимолдаги бутун Хермон тоғи, шарқдаги Салкогача бўлган бутун
Башан, [12] Рафа халқининг[a] энг охирги авлоди бўлган шоҳ Ўгнинг
ҳамма ерлари ҳам ўша ҳудудга кирар эди. Башан ҳудудининг
Аштарўт ва Эдрей шаҳарларида шоҳ Ўг ҳукмронлик қилган эди.
Ўша ерларнинг халқларини Мусо мағлуб қилиб ҳайдаб чиқарган
эди. [13] Лекин Исроил халқи Гашур ва Махо халқларини ҳайдаб
чиқармади, улар бугунгача Исроил халқи орасида яшайдилар.

[14] Фақатгина Леви қабиласига Мусо улуш бермади. Исроил
халқининг Худоси — Эгамиз айтганидай, қурбонгоҳда Унга атаб
куйдириладиган қурбонликлар Леви қабиласининг улушидир.

### Рубен қабиласининг ҳудуди

[15] Мусо Рубен қабиласига уруғлари бўйича улуш берган
эди. [16] Уларнинг ҳудуди жанубдаги Арнон сойлигининг четида
жойлашган Ароер шаҳридан тортиб сойликнинг ўртасидаги
шаҳаргача чўзилиб, Мидаво атрофидаги бутун ясси тепаликни
ўз ичига олади. [17] Мана шу ҳудуд Хашбон шаҳрини ва ясси
тепаликда жойлашган қуйидаги ҳамма шаҳарларни ўз ичига
олар эди: Дибон, Бомўт–баал ва Байт–баал–миён, [18] Яхаз,
Кадамўт, Мифат, [19] Хиратайим, Сивмо ва Иордан водийсида
жойлашган қирнинг устидаги Зарет–хашахар, [20] Байт–пиёр,
Фисгах қири ён бағирлари, Байт–яшимўт шаҳарлари. [21] Рубен
қабиласининг ерлари ясси тепалик устидаги барча шаҳарлар,
Хашбонда ҳукмронлик қилган Амор халқининг шоҳи Сихўннинг
бутун шоҳлигини ўз ичига оларди. Мусо Сихўнни ва у билан
иттифоқ тузган Мидиён ҳукмдорларини мағлуб қилди. Уларнинг
исмлари Эви, Раҳем, Зур, Хур ва Раба эди. [22] Исроил халқи яна

[a] **13:12** *Рафа халқи* — 12:4 изоҳига қаранг.

Бавўр ўғли Баломни[a] ҳам қиличдан ўтказди. У фолбинлик билан шуғулланар эди. [23] Рубен қабиласи ҳудудининг ғарбий чегараси Иордан дарёси ва унинг қирғоқлари эди. Мана шу ерлар Рубен қабиласига мулк қилиб берилган эди.

## Гад қабиласининг ҳудуди

[24] Мусо Гад қабиласига ҳам уруғлари бўйича улуш берди. [25] Ёзар шаҳри, Гилад вилоятидаги ҳамма шаҳарлар, Рабба шаҳрининг[b] шарқидаги Ароер шаҳригача[c] бўлган Оммонлар ерининг ярми уларнинг ҳудудига кирар эди. [26] Уларнинг ери яна жанубдаги Хашбон шаҳридан шимол томондаги Рамат–миспи ва Батоним шаҳарларигача, шунингдек, шимолдаги Моханайимдан Дебиргача[d] чўзилган эди. [27] Гад қабиласининг ери Иордан водийсида Байт–харам, Байт–нимро, Сухўт, Зофун шаҳарларини ҳамда Хашбон ҳукмдори бўлган Сихўн шоҳининг қолган шоҳлигини ҳам ўз ичига олар эди. Бу ҳудуднинг ғарбий чегараси Иордан дарёси бўлиб, шимолдаги Жалила кўлигача[e] чўзилган эди. [28] Мана шу ҳудуддаги шаҳарлар ва атрофларидаги қишлоқлари Гад қабиласига мулк қилиб берилган эди.

## Иорданнинг шарқидаги Манаше қабиласининг ярмига берилган ерлар

[29] Мусо Манаше қабиласининг ярмига ҳам уруғлари бўйича улуш берган эди. [30] Уларнинг ҳудуди Моханайим шаҳридан шимолга чўзилиб, бутун Башан ҳудудини ва Ёвир босиб олган олтмишта шаҳарни ўз ичига олар эди. Башан шоҳи Ўг мана шу жойларда ҳукмронлик қилган эди. [31] Гилад вилоятининг ярми, Башандаги Ўг шоҳлигининг пойтахт шаҳарлари Аштарўт ва Эдрей ҳам уларнинг ҳудудига кирар эди. Мана шу ерлар Манаше ўғли Мохирдан келиб чиққан наслнинг ярмига берилган эди.

[32] Иорданнинг шарқида, Мўаб текислигида, Ерихонинг рўпарасида Мусо бўлиб берган улушлар мана шулардир. [33] Лекин

[a] **13:22** *Балом* — “Саҳрода” 22:1-24:25 га қаранг.
[b] **13:25** *Рабба шаҳри* — Оммон юртининг пойтахти. Ҳозирги Иорданиянинг Оммон шаҳри.
[c] **13:25** *Ароер шаҳри* — шу бобнинг 16–оятида айтиб ўтилган Ароер эмас. Мазкур оятдаги Ароер шаҳрининг қаерда жойлашганлиги баҳсли.
[d] **13:26** *Дебир* — ёки *Лўдавор*.
[e] **13:27** *Жалила кўли* — ибронийча матнда *Кенерет*, қадимда Жалила кўлига ва унинг атрофидаги ерларга нисбатан ишлатилган яна бир ном.

Леви қабиласига Мусо улуш бермаган эди, чунки Исроил халқининг Худоси — Эгамиз, Мен уларнинг улуши бўламан, деб ваъда берган эди[a].

## Иордан дарёсининг ғарбидаги ерлар тақсимланади

14 [1] Иордан дарёсининг ғарбида Канъон юртидаги ерлардан
Исроил халқининг қолган қабилалари мулк олдилар.
Руҳоний Элазар[b], Нун ўғли Ёшуа ва Исроил қабилаларининг
бошлиқлари бу ерларни қабилаларга бўлиб беришди. [2] Иордан
дарёсининг ғарбида мана шу тўққиз қабила ва бир қабила
ярмисининг улушлари, Мусога Эгамиз буюрганидай, қуръа
ташлаб белгиланди[c]. [3-4] Иорданнинг шарқида эса Мусо икки
қабилага ва бир қабиланинг ярмисига улуш бериб бўлганди.
Юсуфнинг икки ўғли Манаше ва Эфрайимдан икки қабила келиб
чиққан эди. Аммо Исроил қабилалари орасида Леви қабиласи
ҳеч қандай улуш олмади[d]. Уларга фақат ўзлари яшаши учун
шаҳарлар ва қўй–молларини боқиш учун шаҳарлар атрофидаги
яйловлар берилди. [5] Шундай қилиб, Эгамиз Мусога буюрганидай,
Исроил халқи ерларни бўлиб олдилар.

## Хеврон Холибга берилади

[6] Бир куни Яҳудо қабиласидан бир неча киши Ёшуанинг олдига
келишди. Исроил халқининг ҳаммаси ҳали ҳам Гилгалдаги

---

[a] **13:33** *Эгамиз, Мен уларнинг улуши бўламан, деб ваъда берган эди* — Худо Леви қабиласининг муҳтожликларини қондиришини ваъда қилган эди. Улар Исроил халқининг Эгамизга келтирилган қурбонлигу назрлардан ейиш ҳуқуқига эга эдилар. Бундан ташқари, Худонинг амрига кўра, халқдан йиғилган ушр Леви қабиласига тегишли бўлиб, айрим шаҳарлар ва шаҳар атрофидаги яйловлар ҳам уларга берилган эди (21:1-3 га қаранг).

[b] **14:1** *Элазар* — Ҳоруннинг ўғли, олий руҳонийлик хизматининг вориси эди ("Саҳрода" 20:22-29 га қаранг).

[c] **14:2** *...қуръа ташлаб белгиланди* — Қуръа ёғоч бўлаклари ёки тошлардан қилинган бўлиб, ундан бирор нарсани қандай ёки қачон қилишни билиш учун фойдаланилган. Худонинг хоҳиш–иродаси баъзан қуръа ташлаш орқали аниқланган.

[d] **14:3-4** *Юсуфнинг икки ўғли...Леви қабиласи ҳеч қандай улуш олмади* — Исроил халқининг 12 қабиласи Ёқубнинг 12 ўғлидан келиб чиққан. Буларнинг орасида Леви қабиласи ерни улуш қилиб олмаганди (13:14 га қаранг). Бироқ Юсуфнинг икки ўғли — Эфрайим ва Манаше икки улуш ер олганлари учун, ҳаммаси бўлиб 12 улуш ер, яъни 2-1/2 улуш ер Иордан дарёсининг шарқидан ва 9-1/2 улуш ер Иорданнинг ғарбидан бўлиб берилганди.

қароргоҳда эдилар. Ханаз авлодидан бўлган Яфунах ўғли Холиб[a] ўша кишилар орасида эди. У Ёшуага шундай деди:

— Кадеш–барна шаҳрида бўлганимизда, Худонинг одами Мусо сиз ва мен ҳақимизда нима деганини биласиз. Мусо Эгамиз номидан гапирди. [7] Эгамизнинг қули Мусо мени Кадеш–барнадан мана шу ерларни текшириб келиш учун юборганда қирқ ёшда эдим. Мен қайтиб келиб унга бор ҳақиқатни айтдим. [8] Мен билан бирга борганлар халқни ваҳимага солган бўлса ҳам, мен Эгам Худога тўлиқ итоат қилдим. [9] Ўша куни Мусо қасам ичиб шундай деган эди: "Сен Канъон юртида босиб ўтган ерлар абадий сенга ва авлодларингга ажратилган мулк бўлиб қолади, чунки сен Эгам Худога тўлиқ итоат этдинг." [10] Мана кўриб турганингиздек, Эгамиз Мусога шундай деб гапирганига қирқ беш йил бўлди. Ўша пайтда Исроил халқи саҳрода юрган эди. Худойим Ўзи айтганидай ўшандан бери жонимни сақлаб келяпти. Мана ҳозир саксон беш ёшдаман. [11] Мусо мени юборган кунда қандай бақувват бўлган бўлсам, ҳозир ҳам шундайман. Ҳалигача жангга ҳам, қолган барча ишларга ҳам қувватим етади. [12] Энди Эгамиз ўша куни ваъда қилган қирларни менга беринг[b]. Ўша куни айғоқчиларнинг: "Иноқ авлоди[c] у ерда ўзларининг катта, мустаҳкам шаҳарларида яшаркан", — деган гапларини ўзингиз эшитдингиз. Аммо Эгамиз мен билан бирга бўлса, Эгамизнинг Ўзи айтганидай, мен уларни бу юртдан ҳайдаб чиқараман.

[13] Шундан кейин Ёшуа Холибни дуо қилиб, Хеврон шаҳрини[d] унга мулк қилиб берди. [14] Шундай қилиб, Холиб Исроил халқининг Худоси — Эгамизга тўлиқ итоат этгани учун Хеврон шаҳри унинг ва авлодининг мулки бўлиб қолди. [15] Хевроннинг эски номи Хират–арба эди. Арба Иноқ авлоди орасида энг машҳур киши бўлган эди.

Энди эса юртда тинчлик барқарор бўлди.

## Яҳудо қабиласининг ҳудуди

**15** [1] Яҳудо қабиласининг уруғларига тушган улуш юртнинг жануб томонида эди. Уларнинг жанубдаги ерлари Эдом юртининг чегараси бўлган Зин саҳросигача етди.

---

[a] **14:6** *Холиб* — Мусо Канъон юртига юборган ўн икки айғоқчилардан бири ("Саҳрода" 13–бобга қаранг).

[b] **14:12** *...Эгамиз ўша куни ваъда қилган қирларни...* — "Саҳрода" 14:24, 30 га қаранг.

[c] **14:12** *Иноқ авлоди* — 11:21 изоҳига қаранг.

[d] **14:13** *Хеврон шаҳри* — 10:3 изоҳига қаранг.

[2]Уларнинг жанубий чегараси Ўлик денгизнинг[a] жанубий қирғоғидан бошланади. [3]Чегара Чаёнлар довонидан[b] ўтиб жануб томонга, Зин саҳроси томон чўзилади. Кадеш–барна шаҳрининг жануб томонидан ўтиб, Хазрон шаҳригача боради. Хазрондан ўтгандан кейин эса Адар шаҳригача бориб Карха шаҳри томонга бурилади. [4]Бу чегара Озмон шаҳригача бориб, Миср чегарасидаги сойликдан[c] ҳам ўтади–да, Ўрта ер денгизининг ёнида тўхтайди. Мана шу Яҳудо қабиласининг жанубий чегараси бўлади.

[5]Уларнинг шарқий чегараси Ўлик денгиздир. Бу чегара шимолдаги Иордан дарёси Ўлик денгизга қуйиладиган жойгача чўзилади.

Шимолий чегара эса мана шу жойдан бошланади. [6]Бу чегара Ўлик денгизнинг ғарбидаги Байт–хўглахгача чўзилиб, Байт–арабанинг шимолидан ўтади–да, Рубен ўғли Бўханнинг номи билан аталган тош турган жойгача боради. [7]Кейин чегара Охор сойлигидан Давиргача[d] бориб, шимолга — Гилгал[e] томонга бурилади. Гилгал сойликнинг жанубида бўлган Адум довонининг рўпарасида эди. Чегара Эн–шамаш булоғидан ўтиб Эн–рўғолга боради. [8]Кейин Хиннум сойлигининг тепасидан кесиб ўтиб, Ёбус халқига қарашли бўлган тепаликнинг, яъни Қуддуснинг жанубий ён бағридан ўтади. Чегара у ердан Хиннум сойлигининг ғарбидаги қирнинг тепасига — Рафа сойлигининг шимолий четигача боради. [9]Чегара тоғнинг тепасидан Нафтува булоқлари томон чўзилиб, Эфрўн тоғининг шаҳарларигача боради, кейин эса Баалах томонга бурилади. Бу шаҳар ҳозирги пайтда[f] Хират–ёрим, деб аталади. [10]Шундан кейин бу шимолий чегара Баалахнинг ғарб томонини айланиб ўтиб, Сеир тоғигача боради. Кейин Ёрим тоғининг шимолий ён бағридан ўтади. Хисалон шаҳри шу ерда жойлашган. У ердан чегара Байт–шамаш

---

[a] **15:2** *Ўлик денгиз* — ибронийча матнда *Туз денгизи* (шу бобнинг 5–оятида ҳам бор).

[b] **15:3** *Чаёнлар довони* — ибронийча матнда *Акрабим довони,* маъноси *чаёнлар довони.*

[c] **15:4** *Миср чегарасидаги сойлик* — 13:3 изоҳига қаранг.

[d] **15:7** *Давир* — шу бобнинг 15–оятида ҳамда 10:38-39 да айтиб ўтилган Давир эмас. Мазкур оятдаги Давир қаерда жойлашгани баҳсли.

[e] **15:7** *Гилгал* — 4:19 да айтиб ўтилган Ерихо ёнидаги Гилгал эмас. Мазкур оятдаги Гилгал қаерда жойлашгани баҳсли.

[f] **15:9** *ҳозирги пайтда* — шу китоб ёзилаётган вақтга ишора.

[g] **15:10** *Байт–шамаш шаҳри* — 19:41 да айтиб ўтилган Ир–шамашнинг яна бир номи бўлиши мумкин. Ўша даврда Байт–шамаш номли яна икки шаҳар бор эди (19:22, 38 га қаранг).

шаҳригача[g] боради ва Тимнах шаҳридан ўтади. [11] Кейин чегара Эхрон шаҳрининг шимолидаги тепаликнинг ён бағридан ўтиб, Шиккарон шаҳри томонга бурилади. Кейин Баалах тоғининг ёнидан ўтиб, Ёбнаил шаҳрига боради. Шимолий чегара Ўрта ер денгизининг олдида тугайди.

[12] Ўрта ер денгизининг қирғоғи ғарбий чегарани ташкил қилади.

Мана шу чегаралар билан ўралган ерда Яҳудо қабиласининг уруғлари яшарди.

### Холиб Хеврон ва Давир шаҳарларини мағлуб қилади

[13] Эгамиз буюрганидай, Ёшуа Яфунах ўғли Холибга Яҳудо қабиласининг ҳудудидан улуш берди. Бу улуш Хират–арба шаҳри эди. Ҳозирги пайтда[a] бу шаҳар Хеврон, деб аталади. Арба Иноқ авлодининг[b] аждоди эди. [14] Холиб у ердан Иноқ авлодини — Шешай, Охиман ва Талмай уруғларини қувиб чиқарди. [15] Яҳудо қабиласининг одамлари у ердан Дабир шаҳрига[c] ҳужум қилиш учун йўлга тушишди. Дабирнинг эски номи Хират–сафар эди. [16] Шунда Холиб: "Хират–сафарга ҳужум қилиб, қўлга киритган кишига қизим Ахсани бераман", — деди. [17] Холибнинг укаси бўлган Ханазнинг ўғли Ўтниёл шаҳарни қўлга киритди. Холиб эса унга қизи Ахсани узатди. [18] Тўйдан кейин қиз Ўтниёлга[d]: "Келинг, отамдан бир дала сўраб олайлик", деб туриб олди. Холиб, эшакдан тушаётган қизига: "Ҳа, қизим, бирон бир истагинг борми?" — деб сўради. [19] "Менга бир совға қилсангиз, — деди Ахса. — Сиз менга Нагав чўлидаги[e] ерни бердингиз, энди сув булоқларини ҳам ҳадя этинг." Шундай қилиб, Холиб унга тепадаги ва пастдаги булоқларни[f] берди.

---

[a] **15:13** *Ҳозирги пайтда* — шу китоб ёзилаётган вақтга ишора.

[b] **15:13** *Иноқ авлоди* — 11:21 изоҳига қаранг.

[c] **15:15** *Дабир шаҳри* — Хеврон шаҳридан қарийб 16 километрча жануби–ғарбда жойлашган.

[d] **15:18** *...қиз Ўтниёлга...* — Ибронийча матндан. Баъзи қадимий грекча таржима қўлёзмаларида *Ўтниёл қизга.*

[e] **15:19** *Нагав чўли* — 10:40 изоҳига қаранг.

[f] **15:19** *...тепадаги ва пастдаги булоқларни...* — Тепадаги булоқ — тоғдан оққан булоққа ишора. Эчкиларни суғориш учун бундай булоқдан фойдаланилган. Пастдаги булоқ — пастликдан чиқиб, ҳовузни ҳосил қилган булоққа ишора. Бундай булоқдаги сувни текисликда ўсган донларни суғориш учун ишлатишарди.

## Яҳудо шаҳарлари

[20] Қуйида айтиб ўтилган ерларни Яҳудо қабиласи улуш
қилиб олди. [21] Бу ҳududнинг энг жанубидаги, Эдом юртининг
чегарасидаги шаҳарларнинг номлари қуйидагича эди: Кабзаёл,
Эдер, Ёғур, [22] Хино, Димона, Адад, [23] Кедеш, Хазор, Йитнон,
[24] Зиф, Талим, Болўт, [25] Хазор–хадатто, Харийўт–хазрон (яъни
Хазор), [26] Эмом, Шама, Мўлодах, [27] Хазор–гаддах, Хашмон,
Байт–палат, [28] Хазор–шувол, Бэршэва, Бизйўтаёх, [29] Баалах, Ийим,
Эзам, [30] Элтўлад, Хасил, Хўрмах, [31] Зихлах, Мадманно, Сансанно,
[32] Лабойўт, Шилхим, Ойин, Риммон. Ҳаммаси бўлиб йигирма
тўққизта шаҳар ва уларнинг атрофларидаги қишлоқлар.

[33] Қир этакларининг шимолидаги шаҳарларнинг номи эса
қуйидагича эди: Эштойўл, Зорох, Ашнаҳ, [34] Зонўвах, Эн–ханним,
Таппух, Эном, [35] Ярмут, Адуллам, Сўхў, Озикаҳ, [36] Шарайим,
Адитайим, Гедера, Гадерўтайим[a]. Ҳаммаси бўлиб ўн тўртта
шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.

[37] Қирлар этакларининг жанубида қуйидаги шаҳарлар бор эди:
Зинон, Ҳадаша, Мигдал–гад, [38] Дилан, Миспах, Ёхтал, [39] Лахиш,
Бозхат, Эглон, [40] Каббўн, Лахмос, Хитлиш, [41] Гадерўт, Байт–дўғон,
Намах, Маккедо. Ҳаммаси бўлиб ўн олтита шаҳар ва уларнинг
атрофидаги қишлоқлар.

[42] Қир этакларининг марказий қисмидаги шаҳарлар
қуйидагилар эди: Либна, Этер, Ошон, [43] Йифтох, Ашнаҳ, Назив,
[44] Кейлах, Ахсиб, Моришо. Ҳаммаси бўлиб тўққизта шаҳар ва
уларнинг атрофидаги қишлоқлар.

[45] Яҳудо қабиласининг ҳудуди Эхроннинг барча шаҳарлари
ва уларнинг атрофидаги қишлоқларни ўз ичига олар эди.
[46] Чегара Эхрондан ғарбга, Ўрта ер денгизи томон чўзилиб,
Ашдоднинг ёнида бўлган барча шаҳарлар ва уларнинг
атрофидаги қишлоқларни ўз ичига олар эди. [47] Уларнинг ҳудуди
Ашдод ва унинг шаҳарларию қишлоқларини, Ғазо ва у ердан
Миср чегарасидаги сойликкача[b] бўлган жойлардаги шаҳарлар
ва қишлоқларни, Ўрта ер денгизининг қирғоғи бўйидаги
шаҳарларни ўз ичига олар эди.

[48] Яҳудо қабиласи қирларда қуйидаги шаҳарларни улуш қилиб
олди: Шомир, Ятир, Сўхў, [49] Данно, Хират–санно (яъни Давир),

[a] **15:36** *Гедера, Гадерўтайим* — ёки *Гедера (ёки Гадерўтайим)*.
[b] **15:47** *Миср чегарасидаги сойлик* — 13:3 изоҳига қаранг.
[c] **15:50** *Эштамўва* — ибронийча матнда бу номнинг бошқача варианти *Эштамўх*.

[50] Онов, Эштамўва[c], Оним, [51] Гўшен, Хўлун ва Гилох. Ҳаммаси
бўлиб ўн битта шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
[52] Қирлардаги қуйидаги шаҳарлар Яҳудо қабиласининг
ҳудудига кирар эди: Араб, Думах, Ишан, [53] Ёнум, Байт–таппух,
Офоқа, [54] Хумтах, Хират–арба (яъни Хеврон) ва Зиор. Ҳаммаси
бўлиб тўққизта шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
[55] Яна қирларда қуйидаги шаҳарлар Яҳудо қабиласининг
улуши бўлди: Мойун, Кармил, Зиф, Ютто, [56] Йизрил[a], Ёхдаём,
Зонўвах, [57] Қайин, Гиво[b] ва Тимнах. Ҳаммаси бўлиб ўнта шаҳар
ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
[58] Қирлардаги мана бу шаҳарлар ҳам ўша ҳудудга кирарди:
Халхул, Байт–зур, Гадўр, [59] Марот, Байт–анўт ва Элтахўн. Ҳаммаси
бўлиб олтита шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
[60] Хират–баал (яъни Хират–ёрим) ва Рабба — қирлардаги мана
шу икки шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар ҳам Яҳудо
қабиласининг улуши бўлди.
[61] Ўлик денгиз бўйидаги саҳрода жойлашган қуйидаги
шаҳарлар ҳам Яҳудо қабиласига тегишли бўлди: Байт–араба,
Миддин, Сахохо, [62] Нившон, Туз шаҳри ва Эн–кайди. Ҳаммаси
бўлиб олтита шаҳар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар.
[63] Аммо Яҳудо қабиласи Ёбус халқини Қуддусдан ҳайдаб
чиқара олмади[c]. Бугунгача[d] Ёбус халқи Яҳудо халқи билан бирга
Қуддусда яшайди.

## Юсуф авлодининг улуши

16 [1] Юсуф авлодларига[e] берилган улушнинг жанубий чега-
раси Ерихо шаҳрининг ёнидаги Иордан дарёсидан, Ерихо
булоғининг шарқидаги жойдан бошланади. Кейин Ерихонинг
олдидан ўтиб, шимоли–ғарбдаги Яҳудо саҳроси орқали
қирлардаги Байтил шаҳригача чўзилади. [2] Кейин Байтил, яъни

[a] **15:56** *Йизрил* — 19:18 да айтиб ўтилган Йизрил эмас. Мазкур оятдаги Йизрил қаерда жойлашгани баҳсли.
[b] **15:57** *Гиво* — 18:28 да айтиб ўтилган Гиво эмас.
[c] **15:63** *...Ёбус халқини Қуддусдан ҳайдаб чиқара олмади* — Исроил халқи Қуддусни шоҳ Довуд даврида қўлга киритган (“2 Шоҳлар” 5:6-7 га қаранг), лекин шундан кейин ҳам бутун Ёбус халқини шаҳардан ҳайдаб чиқармаганди (“2 Шоҳлар” 24:16 га қаранг).
[d] **15:63** *Бугунгача* — шу китоб ёзилаётган вақтга ишора.
[e] **16:1** *Юсуф авлодлари* — Юсуфнинг икки ўғли — Эфрайим ва Манашенинг авлодларига ишора (14:3-4 га қаранг).

Луздан ҳам ўтиб[a], Орх халқига тегишли бўлган Отрўт–адаргача[b]
боради. 3 Чегара у ердан ғарбдаги Яфлет авлодининг еригача
чўзилиб, пастки Байт–хўронгача боради. Кейин чегара Гезер
шаҳригача бориб, Ўрта ер денгизининг олдида тугайди.

4 Юсуф авлодлари бўлган Манаше ва Эфрайим қабилалари
мана шу ерларни улуш қилиб олдилар.

*Эфрайим қабиласига берилган ерлар*

5 Эфрайим қабиласининг уруғларига қуйидаги ерлар берилди:
бу ерларнинг жанубий чегараси Отрўт–адарда бошланади–да,
ғарб томонга, тепадаги Байт–хўронгача чўзилиб, 6-7 Ўрта ер
денгизининг олдида тугайди. Шарқий чегараси Михматитдан
жануб томонга боради, Танат–шилў, Ёнох, Отарўт, Наро
шаҳарларидан ўтиб, Иордан дарёсининг Ерихога яқин бўлган
жойида тугайди. 8 Шимолий чегараси эса Таппухдан ғарбга
боради. Кейин Канах сойлиги бўйлаб чўзилиб, Ўрта ер денгизида
тугайди. Мана шу ерларни Эфрайим қабиласи улуш қилиб
олди.

9 Эфрайим қабиласига яна Манаше ҳудудида жойлашган
бир нечта шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар ҳам
берилди. 10 Аммо Эфрайим қабиласи Гезерда яшайдиган Канъон
халқини қувиб чиқармади. Бу халқ бугунги кунгача[c] Эфрайим
қабиласи орасида яшайди, лекин улар қарол бўлиб хизмат
қилишга мажбур қилинганлар.

*Иорданнинг ғарбидаги Манаше қабиласининг ярмига берилган ерлар*

17 1 Кейин Манаше қабиласига[d] улуш берилди. Манаше
Юсуфнинг тўнғичи эди. Мохир Манашенинг тўнғичи
бўлиб, Гиладнинг отаси эди. Мохир ботир жангчи бўлгани учун
Мусо унга Иорданнинг шарқидаги Гилад ва Башан ҳудудларини

---

[a] **16:2** *...Байтил, яъни Луздан ҳам ўтиб...* — Қадимий грекча таржимадан. Ибронийча матннинг 18:13 да ҳам шу сингари ёзилган. Ибронийча матннинг бу оятида эса *Байтилдан Лузга ўтиб* дейилган.

[b] **16:2** *Отрўт–адар* — ибронийча матнда *Отрўт. Отрўт — “Отрўт–адар”*нинг қисқа шакли.

[c] **16:10** *бугунги кунгача* — шу китоб ёзилаётган вақтга ишора.

[d] **17:1** *Манаше қабиласи* — Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашган қабиланинг ярмига ишора (22:6-8 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашганди (1:12-14, 13:8, 29-32 га қаранг).

берган эди. [2]Иорданнинг ғарбида Манаше қабиласининг
қолганига улуш берилди. Манаше ўғиллари Абуазар, Халек,
Осриёл, Шакам, Хафер ва Шамидо уруғларининг ҳаммасига
ерлар берилди.

[3]Манашенинг набираси Гиладнинг Хафер деган ўғли бор
эди. Хафернинг эса Залофхад деган ўғли бор эди. Залофхаднинг
ўғиллари йўқ, фақатгина қизлари бор эди. Қизларининг
исмлари Махло, Нуваҳ, Хўглах, Милхо ва Тирза эди. [4]Шу аёллар
руҳоний Элазар[a], Ёшуа ва оқсоқолларнинг олдига келиб шундай
дейишди: "Эгамизнинг Ўзи бизга ҳам амакиларимиз қатори
улуш беришни Мусога амр қилган."[b] Эгамизга итоат этиб,
Ёшуа қизларга ҳам амакилари қатори улуш берди. [5]Натижада
Иорданнинг шарқидаги Гилад ва Башан ерларидан ташқари,
Манаше қабиласи Иорданнинг ғарбида яна ўн бўлак ер олди.
[6]Чунки Манаше авлодининг аёллари ҳам эркаклар қатори
улуш олишди. Гилад ерини эса Ёшуа Манаше қабиласининг
қолганларига берди.

[7]Иордан дарёсининг ғарбидаги Манаше қабиласи ерларининг
шимолий чегараси Ошер қабиласи ҳудудининг чегараси билан
туташган эди. Жанубий чегараси эса Михматит шаҳригача
бориб, Таппух булоғи[c] атрофида яшайдиганларнинг ерларигача
чўзилган эди. Михматит шаҳри Шакам шаҳрининг шарқида
эди. [8]Таппух шаҳри Манаше ва Эфрайим қабилаларининг
чегарасида жойлашган эди. Таппухнинг атрофидаги ерлар
Манаше қабиласига тегишли бўлса ҳам, шаҳарнинг ўзи Эфрайим
қабиласига тегишли эди. [9]Манаше ҳудудининг чегараси
Таппух шаҳридан жанубга Канах сойлиги томонгача чўзилади.
Манаше қабиласининг ҳудудида Эфрайим қабиласига тегишли
шаҳарлар ҳам бор эди. Канах сойлигининг шимол томони
Манаше ҳудудининг чегараси бўлиб, бу чегара Ўрта ер денгизига
келиб тугайди. [10]Ўша сойликнинг жанубидаги ерлар Эфрайим
қабиласиники, шимолидаги ерлар эса Манаше қабиласиники
эди. Ўрта ер денгизининг қирғоғи Манаше ҳудудининг ғарбий
чегараси эди. Бу ҳудуд шимол томонда Ошер қабиласининг
ҳудудигача, шарқ томонда эса Иссахор қабиласининг ҳудудигача
чўзилган эди.

---

[a] **17:4** *Элазар* — 14:1 изоҳига қаранг.
[b] **17:4** *Эгамизнинг Ўзи...Мусога амр қилган* — "Саҳрода" 27:1-11, 36:1-12 га қаранг.
[c] **17:7** *Таппух булоғи* — ибронийча матнда *Эн–таппух*, маъноси *Таппух булоғи.*

11 Иссахор ва Ошер қабилаларининг ҳудудларида жойлашган
қуйидаги шаҳарлар ва атрофидаги қишлоқлар Манаше
қабиласига берилган эди: Байт–шан[a], Йиблаём, Дўр (яъни
Нафўт–дўр[b]), Эн–дўр, Танах, Махидў. 12 Лекин Манаше қабиласи
бу шаҳарларни қўлга кирита олмади. Канъон халқлари ўша
жойларда яшашда давом этаверди. 13 Бир мунча вақт ўтгандан
кейин Исроил халқи янада кучайди ва Канъон халқларини қарол
бўлиб хизмат қилишга мажбур қилди. Аммо уларни юртдан
бутунлай қувиб чиқармади.

### Эфрайим ва Манаше қабилалари каттароқ улушни сўраб боришади

14 Бир кун Юсуф авлодлари[c] келиб, Ёшуадан сўрашди:
— Эгамиз бизни баракали қилиб, жуда ҳам кўпайтирди. Нима
учун бизга фақатгина бир улуш ер бердингиз?
15 Ёшуа уларга шундай деб жавоб берди:
— Агар Эфрайим қирлари сизларга кичиклик қилаётган
бўлса, боринглар, Париз ва Рафа халқларининг[d] ўрмонларидаги
дарахтларни кесиб, ўзингизга жой тозалаб олинглар.
16 Улар шундай дедилар:
— Ҳа, қирлар бизга торлик қиляпти, аммо текисликдагиларнинг,
Байт–шан шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда, Йизрил
водийсида яшайдиган Канъон халқларининг темирдан ясалган
жанг аравалари[e] бор–ку, улар бизга нисбатан анча кучлироқ.
17 Ёшуа Юсуфнинг авлодлари бўлган Эфрайим ва Манаше
қабилаларига шундай деди:
— Сизлар жуда кўпчиликсизлар, кучингиз ҳам кўп. Нафақат
бир улуш ер, 18 балки қирлар ҳам сизларники бўлади. У ерлар
ўрмон бўлса ҳам, дарахтларини кесиб, тозаланглар. У жойлар
бошидан охиригача сизларники бўлади. Канъон халқларининг
темир жанг араваларию катта кучи бўлишига қарамай, сизлар
уларни у ердан ҳайдаб чиқарасизлар.

---

[a] **17:11** *Байт–шан* — ибронийча матнда бу номнинг бошқача варианти *Байт–шиён* (шу бобнинг 16–оятида ҳам бор).
[b] **17:11** *яъни Нафўт–дўр* — бу ибронийча иборанинг маъноси баҳсли.
[c] **17:14** *Юсуф авлодлари* — бу ўринда Эфрайим қабиласига ва Манаше қабиласининг ярмига ишора қилинган. Булар Иордан дарёсининг ғарб томонида ўрнашгандилар. Шу бобнинг 17–ояти ва 16:1-4 га қаранг.
[d] **17:15** *Рафа халқи* — 12:4 изоҳига қаранг.
[e] **17:16** *...темирдан ясалган жанг аравалари...* — Бу аравалар бутунлай темирдан ясалган эмас, балки бир нечта қисми темирдан тайёрланган эди.

## Ёшуа қолган ерларни тақсимлайди

18 1 Исроил халқи бутун юртни қўлга киритгандан кейин
бутун Исроил жамоаси Шилў шаҳрида[a] йиғилди. Улар
ўша ерда Учрашув чодирини тикдилар.
2 Исроил халқининг орасида ҳали улуш олмаган еттита
қабила қолган эди. 3 Ёшуа Исроил халқига шундай деди:
“Қачонгача ота–боболарингиз Худоси — Эгамиз сизларга
берган юртни қўлга киритишни орқага сурасизлар? 4 Ҳар
бир қабиладан уч кишини танланглар. Мен уларни бутун
юртни кезиб чиқиш учун юбораман. Улар ўз қабилаларининг
улуши бўйича, ўша ерни тасвирлаб ёзиб келишади.
5 Жанубдаги Яҳудо қабиласининг ҳудуди ва шимолдаги Юсуф
авлодларининг[b] ҳудудларидан ташқари қолган бутун юртни
еттига бўласизлар. 6 Кейин шуларни ёзиб, менинг олдимга
олиб келинглар. Мен Эгамиз Худо олдида сизлар учун қуръа
ташлайман[c]. 7 Сизларнинг орангизда Леви қабиласига улуш
бермайман. Эгамизга руҳоний бўлиб хизмат қилиш уларнинг
улушидир. Гад, Рубен қабилалари ва Манаше қабиласининг
бошқа ярми[d] Иорданнинг шарқ томонида ўз улушларини
олиб бўлганлар. Эгамизнинг қули Мусо ўша ерларни уларга
берган.”
8 Шундай қилиб, Ёшуа ернинг тасвирини ёзиб келишни
буюрган кишилар йўлга тушдилар. Улар кетмасдан олдин,
Ёшуа уларга шундай деб тайинлаган эди: “Бутун ерни кезиб,
унинг тасвирини ёзиб келганингиздан кейин, мен Шилўда,
Эгамиз олдида сизлар учун қуръа ташлайман.” 9 У кишилар
бориб, ерни етти қисмга бўлдилар. Бутун юртни тасвирлаб
ёзиб, шаҳарларини рўйхатга олдилар. Кейин Ёшуанинг олдига,
Шилўдаги қароргоҳга қайтиб келдилар. 10 Ёшуа Шилўда, Эгамиз
олдида улар учун қуръа ташлаб, ўша ерларни Исроил халқига
бўлиб берди. Қуръа бўйича ҳар бир қабилага бир улушдан
берди.

---

[a] **18:1** *Шилў шаҳри* — Қуддусдан қарийб 32 километрча шимолда жойлашган бу шаҳар Исроил халқи учун руҳий марказга айланаётган эди.

[b] **18:5** *Юсуф авлодлари* — 17:14 изоҳига қаранг.

[c] **18:6** *...Эгамиз Худо олдида...қуръа ташлайман* — 14:2 изоҳига қаранг.

[d] **18:7** *Манаше қабиласининг бошқа ярми* — Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашган қабиланинг ярмига ишора (1:12-14, 13:8, 29-32 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашганди (22:6-8 га қаранг).

**Бенямин қабиласининг улуши**

[11] Қуръа ташланганда Бенямин қабиласига Яҳудо қабиласи ва Юсуф авлодлари[a] ҳудудларининг орасидаги ерлар улуш бўлиб тушди.

[12] Бенямин ҳудудининг шимолий чегараси шарқ томонда
Иордан дарёсидан бошланади, кейин Ерихо қирининг ён
бағридан шимол томонга боради. Қирлар бўйлаб ғарб томонга
ўтиб, Байт–обун атрофидаги саҳрога боради. [13] У ердан чегара
Луз, яъни Байтил томонга бориб, Лузнинг жанубидаги қир
бўйлаб чўзилади. Кейин чегара Отрўт–адар шаҳрига бориб,
у ердан пастки Байт–хўрон шаҳрининг жанубидаги қиргача
боради.

[14] У ердан чегара Байт–хўрон қаршисидаги қирнинг ғарб томони бўйлаб жануб томонга чўзилиб, Хират–баал, яъни Хират–ёрим қишлоғида тугайди. Бу қишлоқ Яҳудо қабиласига тегишли. Ғарбий чегара мана шудир.

[15] Ғарбда жанубий чегара Хират–ёримнинг четидан бошланиб,
Нафтува булоқларигача боради. [16] Кейин чегара Рафа сойлигининг
шимолидаги тоғ этагига боради. Хиннум сойлиги мана шу ердан
бошланарди. Чегара жануб томонга давом этиб, Хиннум сойлиги
бўйлаб Ёбуснинг[b] жанубидаги қир ён бағрига боради. У ердан эса
Эн–рўғол томонга қараб давом этади. [17] Чегара у ердан шимолга,
Эн–шамаш томонга бурилади ва Адум довонининг қаршисидаги
Гелилўтга боради. Кейин Рубен ўғли Бўхан номи билан аталган
тошнинг ёнидан ўтади. [18] Кейин Иордан водийсининг[c] ёнидаги
қир ён бағрининг шимол томонидан ўтиб, водийни ҳам кесиб
ўтади. [19] У ердан чегара Байт–хўглах қирининг шимол томонига
ўтиб, Иордан дарёси Ўлик денгизга[d] қуйиладиган жойда тугайди.
Бу Бенямин қабиласи ҳудудининг жанубий чегарасидир.

[20] У ернинг шарқий чегараси Иордан дарёсидир.

Бенямин қабиласига улуш қилиб берилган ерларнинг чегаралари мана шулар эди.

[21] Қуйидаги шаҳарлар Бенямин қабиласига берилди: Ерихо,
Байт–хўглах, Эмих–қазиз, [22] Байт–араба, Заморайим, Байтил,
[23] Авим, Поро, Ўфра, [24] Хафар–оммонах, Офнах ва Ғибо. Ҳаммаси

[a] **18:11** *Юсуф авлодлари* — 17:14 изоҳига қаранг.
[b] **18:16** *Ёбус* — Қуддуснинг қадимги номи (шу бобнинг 28–оятига қаранг).
[c] **18:18** *Иордан водийси* — ибронийча матнда *Араба. Араба* умумий географик ном бўлиб, Иордан водийсига нисбатан ишлатилган.
[d] **18:19** *Ўлик денгиз* — ибронийча матнда *Туз денгизи.*

бўлиб ўн иккита шаҳар ва уларнинг атрофларидаги қишлоқлар.
25 Қуйидаги шаҳарлар ҳам Бенямин қабиласига берилди: Гивон,
Рама, Берўт, 26 Миспах, Хафира, Мўзох 27 Раҳем, Йирпаел,
Тарало, 28 Зила, Элеф, Ёбус (яъни Қуддус), Гиво ва Хират–ёрим[a].
Ҳаммаси бўлиб ўн тўртта шаҳар ва уларнинг атрофларидаги
қишлоқлар.

Мана шу ерларни Бенямин қабиласига Ёшуа улуш қилиб
берди.

## Шимўн қабиласининг улуши

19 1 Қуръа бўйича[b] иккинчи бўлиб Шимўн қабиласи улуш
олди. Шимўн қабиласига улуш қилиб берилган
ерларнинг атрофини Яҳудо қабиласининг ҳудуди ўраб олган эди.
2 Қуйидаги шаҳарлар Шимўн қабиласига берилди: Бэршэва (ёки
Шеба)[c], Мўлодах, 3 Хазор–шувол, Бала, Эзам, 4 Элтўлад, Батул,
Хўрмах, 5 Зихлах, Байт–маркобўт, Хазор–суса, 6 Байт–лабойўт ва
Шорухан. Ҳаммаси бўлиб ўн учта шаҳар ва уларнинг атрофидаги
қишлоқлар.

7 Қуйидаги шаҳарлар ҳам Шимўн қабиласига тегишли
эди: Ойин, Риммон, Этер ва Ошон. Тўртта шаҳар ва уларнинг
атрофидаги қишлоқлар. 8 Шимўн қабиласининг ҳудуди яна
жанубдаги Баалат–бэр, яъни Нагав чўлидаги[d] Рамагача бўлган
ерлардаги барча шаҳарларни ва уларнинг атрофларидаги
қишлоқларни ўз ичига олар эди. 9 Ёшуа Яҳудо қабиласига берган
улуш улар учун керагидан ҳам ортиқ эди. Шунинг учун уларнинг
ҳудудидан бир бўлагини олиб, Шимўн қабиласига улуш қилиб
берди.

## Забулун қабиласининг улуши

10 Қуръа бўйича учинчи бўлиб Забулун қабиласи улуш олди.
Уларга теккан ҳудуднинг чегараси Сорид шаҳридан бошланиб,
11 ғарб томонга боради ва Марало шаҳридан ўтади. Кейин

[a] **18:28** *Хират–ёрим* — қадимий грекча, сурёнийча ва лотинча таржималардан. Ибронийча матнда *Хират. Хират* — *“Хират–ёрим”*нинг қисқа шакли бўлиши мумкин.

[b] **19:1** *Қуръа бўйича...* — 14:2 изоҳига қаранг.

[c] **19:2** *...Бэршэва (ёки Шэва)...* — Ибронийча матнда *Бэршэва, Шэва.* Шу бобнинг 6–оятида берилган хулосага биноан ҳаммаси бўлиб 13 шаҳар эди. Демак Шэва — Бэршэванинг қисқа шакли бўлиши мумкин.

[d] **19:8** *Нагав чўли* — 10:40 изоҳига қаранг.

Даббешет шаҳрининг ёнидан ўтиб, Ёхнаём шаҳрининг шарқидаги
сойликкача етади. [12] Сорид шаҳрининг шарқ томонидан чегара
Хислўт–товур шаҳрининг чегарасигача чўзилади. Кейин Доварат
шаҳригача бориб, Ёфия шаҳригача давом этади. [13] Чегара яна
шарқ томонга давом этиб, Гат–хафер ва Эт–козин шаҳарларигача
боради. Кейин чегара Риммон шаҳригача бориб, у ердан Ниёх
шаҳри томон бурилади[a]. [14] Ҳудуднинг шимолий чегараси
Ханнатон шаҳридан ўтиб, Йифтох–эл сойлигида тугайди.
[15] Забулун қабиласининг ҳудудида ҳаммаси бўлиб ўн иккита
шаҳар ва уларнинг атрофларидаги қишлоқлар бор эди. Ўша
шаҳарларнинг баъзилари Каттот, Наҳалил, Шимрон, Йидало ва
Байтлаҳм[b] шаҳарлари эди.

[16] Мана шу шаҳарлар ва уларнинг атрофларидаги қишлоқ-
ларнинг ҳаммасини Забулун қабиласи улуш қилиб олди.

## Иссахор қабиласининг улуши

[17] Қуръа бўйича тўртинчи бўлиб Иссахор қабиласи улуш
олди. [18] Бу қабилага улуш қилиб берилган ерларда қуйидаги
шаҳарлар бор эди: Йизрил, Хасуллўт, Шунам, [19] Хафорайим,
Шиён, Анахарат, [20] Раббит, Хишион, Аваз, [21] Ремот, Эн–ханним,
Эн–хаддах, Байт–пазез. [22] Шимолдаги бу ҳудуднинг чегараси
Товур тоғидан бошланиб, Иордан дарёсида тугайди. Товур[c],
Шахазимо ва Байт–шамаш[d] шаҳарлари ҳам мана шу ҳудудга
кирар эди. Ҳаммаси бўлиб ўн олтита шаҳар ва уларнинг
атрофларидаги қишлоқлар.

[23] Мана шу шаҳарлар ва уларнинг атрофларидаги қишлоқларни
Иссахор қабиласи улуш қилиб олди.

## Ошер қабиласининг улуши

[24] Қуръа бўйича бешинчи бўлиб Ошер қабиласи улуш олди.
[25] Уларнинг ҳудуди қуйидаги шаҳарларни ўз ичига олар эди:
Халкат, Халий, Бэтэн, Ахшоф, [26] Аламмалек, Эмод ва Мишол.

---

[a] **19:13** *...бурилади* — Бу ибронийча сўзнинг маъноси баҳсли.

[b] **19:15** *Байтлаҳм* — Қуддуснинг жанубидаги машҳур Байтлаҳм эмас. Мазкур оятдаги Байтлаҳм Исроилнинг шимолида жойлашган.

[c] **19:22** *Товур тоғидан бошланиб...Товур* — Ибронийча матнда *Товур* сўзи бир марта ишлатилган. Лекин бу оятда *Товур* сўзи ҳам тоққа, ҳам тоғ этагидаги шаҳарга нисбатан ишлатилган бўлиши мумкин. Товур тоғи Иссахор ҳудудининг шимолий чегарасининг бир жойи эди.

[d] **19:22** *Байт–шамаш* — шу бобнинг 38–оятида ҳамда 15:10 да айтиб ўтилган Байт–шамаш эмас.

Ҳудуднинг жанубий чегараси Ўрта ер денгизидан бошланиб, Кармил қирларининг этакларидаги Шихор–либнат сойлиги бўйлаб чўзилади. [27] У ердан чегара шарқ томонга бурилиб, Байт–дўғон шаҳригача боради ва Йифтох–эл водийсидаги Забулун қабиласи ҳудудининг чегараси билан туташади. Кейин шарқий чегара шимол томонга бурилиб, Байт–эмих ва Набиёл шаҳригача боради. Ҳудуднинг чегараси Кавул, [28] Абдўн[a], Рехоб, Хаммон, Канах шаҳарларидан ўтиб, Буюк Сидон шаҳригача етади. [29] Бу ердан ғарбга бурилиб, мана шу шимолий чегара Рамага[b] боради–да, мустаҳкам Тир шаҳригача етади. Кейин чегара Хўсах шаҳри томон бурилиб кетади ва Ўрта ер денгизининг олдида тугайди. Ошер қабиласининг ҳудуди қуйидаги шаҳарларни ҳам ўз ичига олар эди: Махалав, Ахсиб[c], [30] Уммо[d], Офоқ ва Рехоб. Ҳаммаси бўлиб йигирма иккита шаҳар ва уларнинг атрофларидаги қишлоқлар.

[31] Мана шу ерларнинг ҳаммасини Ошер қабиласи улуш қилиб олди.

## Нафтали қабиласининг улуши

[32] Қуръа бўйича олтинчи бўлиб Нафтали қабиласи улуш олди. [33] Нафтали қабиласи ҳудудининг жанубий чегараси Халеф шаҳридан Зананим шаҳри ёнидаги эман дарахти ёнигача боради. У ердан чегара Адамий–нахаб, Ёбнаил[e] ва Лахум шаҳарларигача давом этиб, Иордан дарёсида тугайди. [34] Ҳудуднинг ғарбий чегарасиОзнўт–товур шаҳридан ўтиб, Ҳуққоқ шаҳригача боради. Нафтали қабиласининг ҳудуди жануб томонда Забулун қабиласининг ҳудуди билан чегарадош, ғарб томонда Ошер қабиласининг ҳудуди билан чегарадош. Шарқий чегараси эса Иордан дарёсидир[f]. [35] Нафтали

---

[a] **19:28** *Абдўн* — баъзи иброний қўлёзмаларидан. Ибронийча матннинг 21:30 да ҳам шу сингари ёзилган. Ибронийча матннинг бу оятида эса *Эброн* дейилган.

[b] **19:29** *Рама* — мазкур оятдаги Рама шаҳри шу бобнинг 36–оятида ва 18:25 да Рама деб номланган икки шаҳардан бошқа шаҳар.

[c] **19:29** *Махалав, Ахсиб* — бу ибронийча сўзларнинг маъноси баҳсли. Кўп олимларнинг шарҳлашича, бу сўзлар икки шаҳарнинг номлари бўлган.

[d] **19:30** *Уммо* — "Ҳакамлар" 1:31 да айтиб ўтилган Аккў шаҳрининг яна бир номи бўлиши мумкин.

[e] **19:33** *Ёбнаил* — 15:11 да айтиб ўтилган Ёбнаил эмас.

[f] **19:34** *Иордан дарёси* — қадимий грекча таржимадан. Ибронийча матнда *Иордан бўйидаги Яҳудо*. Бироқ Яҳудонинг ҳудуди Исроилнинг жанубида, Нафтали ҳудудидан анча узоқда жойлашган эди. Ибронийча матндаги *Яҳудо* сўзи Исроилнинг шимолида, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида жойлашган шаҳарни билдирган бўлса керак.

қабиласининг ҳудудидаги мустаҳкам шаҳарлар қуйидагилардир:
Зиддим, Зер, Хаммат, Рахат, Кенерет, 36 Адама, Рама[a], Хазор,
37 Кедеш, Эдрей[b], Эн–хазор, 38 Ирўн, Мигдал–эл, Хорем, Байт–онот
ва Байт–шамаш[c]. Ҳаммаси бўлиб ўн тўққизта шаҳар ва уларнинг
атрофларидаги қишлоқлар.

39 Нафтали қабиласи мана шу ерларни улуш қилиб олди.

## Дан қабиласининг улуши

40 Қуръа бўйича еттинчи бўлиб Дан қабиласи улуш олди.
41 Уларнинг ҳудуди қуйидаги шаҳарлардан иборат эди: Зорох,
Эштойўл, Ир–шамаш, 42 Шалаббин, Ойжавлон, Йитла, 43 Элўн,
Тимнах, Эхрон, 44 Элтаха, Гибитон, Баалат 45 Ёҳуд, Бани–барақ,
Гат–риммон, 46 Межаркон, Раххўн ва Яффанинг қаршисидаги
жойлар.

47-48 Мана шу шаҳарлар ва уларнинг атрофларидаги қишлоқлар Дан қабиласининг улуши эди. Аммо кейинчалик душманлар келиб, бу ерларни босиб олдилар. Шунда Дан қабиласи шимол томонга бориб, Лайиш[d] шаҳрига ҳужум қилди[e]. Улар шаҳарни қўлга киритиб, бутун шаҳар аҳолисини қириб ташладилар. Ўзлари эса шу шаҳарда жойлашиб, уни ўз бобоси Дан шарафига Дан, деб атадилар.

## Ёшуанинг улуши

49 Барча ерлар Исроил қабилаларига бўлиб берилгандан
кейин, Исроил халқи Ёшуага ҳам улуш берди. 50 Эгамиз Исроил
халқига, Ёшуа хоҳлаган шаҳарни унга беринглар, деб амр қилган
эди. Ёшуа Эфрайим қирларидаги Тимнат–серах шаҳрини сўради.
Исроил халқи ўша шаҳарни Ёшуага берди. Ёшуа у шаҳарни
қайтадан қуриб, ўша ерда жойлашди.

51 Мана шу ерларнинг ҳаммасини руҳоний Элазар[f], Нун ўғли
Ёшуа ва қабилалар бошлиқлари Исроил қабилаларига улуш

---

[a] **19:36** *Рама* — мазкур оятдаги Рама шаҳри шу бобнинг 29–оятида ва 18:25 да Рама деб номланган икки шаҳардан бошқа шаҳар.
[b] **19:37** *Эдрей* — шоҳ Ўг ҳукмронлик қилган Иордан дарёсининг шарқидаги Башанда жойлашган Эдрей шаҳри эмас (12:4, 13:11-12, 30-31 га қаранг).
[c] **19:38** *Байт–шамаш* — шу бобнинг 22–оятида ҳамда 15:10 да айтиб ўтилган Байт–шамаш эмас.
[d] **19:47-48** *Лайиш* — ибронийча матнда *Лашем*, Лайишнинг яна бир номи.
[e] **19:47-48** *...Лайиш шаҳрига ҳужум қилди* — "Ҳакамлар" 18–бобга қаранг.
[f] **19:51** *Элазар* — 14:1 изоҳига қаранг.

қилиб бердилар. Шилўдаги[a] Учрашув чодирига кираверишда, Эгамизнинг ҳузурида қуръа ташлаб[b] шундай қилдилар. Шундай қилиб, бутун юртни бўлиб олиш ҳам ўз ниҳоясига етди.

### Паноҳ шаҳарлар

20 1 Эгамиз бир куни Ёшуага шундай деб айтди:
2 — Исроил халқига шу гапларни етказгин: "Мусо орқали
сизларга буюрганимдай[c], паноҳ шаҳарларни белгиланглар.
3 Шунда бирортаси билмасдан одам ўлдириб қўйса, қочиб ўша
шаҳарлардан бирига борсин. Ўлган одамнинг қариндошлари
қасос олмоқчи бўлиб[d], ўша кишининг орқасидан қувиб
борса, у мана шу шаҳарларнинг бирида паноҳ топади.
4 Шаҳарга етиб боргандан кейин, одам ўлдирган киши
шаҳар дарвозалари олдида[e] ўтирган шаҳар раҳбарларига ўз
вазиятини тушунтирсин. Шунда уни шаҳарга олиб кириб,
уй–жой беришади. 5 Қасоскор ўша одамнинг орқасидан қувиб
келса, уни қасоскорга бермаслик керак. Ахир у одам ўз
яқинини билмасдан ўлдириб қўйган, уларнинг орасида ҳеч
қандай душманлик йўқ эди. 6 Жамоа йиғилиб, одам ўлдирган
кишини ҳукм қилмагунча, ўша одам паноҳ шаҳарда қолиши
лозим. Айбсиз, деб топилгандан кейин[f] эса одам ўлдирган
ўша киши одам ўлдирилган пайтда хизмат қилаётган олий
руҳонийнинг ўлимига қадар паноҳ шаҳарда яшаши керак.
Олий руҳонийнинг ўлимидан кейингина у ўзи қочиб келган
жойга қайтиб бориши мумкин."

7 Иордан дарёсининг ғарб томонида Исроил халқи паноҳ
шаҳарлар қилиб қуйидаги шаҳарларни ажратди: Нафтали
қабиласига тегишли қирларда жойлашган Жалиладаги Кедеш
шаҳри, Эфрайим қабиласига тегишли қирлардаги Шакам

---

[a] **19:51** *Шилў* — 18:1 изоҳига қаранг.

[b] **19:51** *...Эгамизнинг ҳузурида қуръа ташлаб...* — 14:2 изоҳига қаранг.

[c] **20:2** *Мусо орқали сизларга буюрганимдай...* — "Саҳрода" 35:9-34 га қаранг.

[d] **20:3** *Ўлган одамнинг қариндошлари қасос олмоқчи бўлиб...* — "Саҳрода" 35:16-28 га қаранг.

[e] **20:4** *...шаҳар дарвозалари олдида...* — Қадимги пайтларда одамлар ижтимоий, савдо–сотиқ ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш учун йиғилган жой.

[f] **20:6** *Айбсиз, деб топилгандан кейин...* — Агар одам қотилликда айбдор деб топилса, паноҳ шаҳарнинг аҳолиси қотилни жабр кўрган қариндошларнинг қўлига топшириб, уни ўлдириб юборишларига йўл қўйишлари керак эди.

шаҳри, Яҳудо қабиласининг қирларидаги Хират–арба, яъни
Хеврон шаҳри. [8] Иордан дарёсининг шарқида, Ерихо шаҳрининг
қарши томонида эса Исроил халқи қуйидаги шаҳарларни паноҳ
шаҳарлар қилиб ажратди: ясси тепалик саҳросида жойлашган
Рубен қабиласига тегишли бўлган Базер шаҳри, Гад қабиласига
тегишли Гиладдаги Рамўт шаҳри, Манаше қабиласига[a] тегишли
Башандаги Гўлон шаҳри. [9] Мана шу шаҳарлар Исроил халқи
ва уларнинг орасида яшаётган бегоналар учун ажратилди.
Агар бирортаси билмасдан одам ўлдириб қўйса, ўша паноҳ
шаҳарлардан бирига қочиб боради. Шундай қилиб, жамоа
адолатли ҳукм чиқармагунча, одам ўлдирган киши паноҳ
шаҳарда хавф–хатарсиз бўлиб, уни қувиб келган қасоскор қўлида
ҳалок бўлмайди.

## Леви қабиласининг шаҳарлари

21 [1] Леви қабиласи уруғларининг бошлиқлари келиб, руҳоний Элазар[b], Нун ўғли Ёшуа ва бошқа Исроил қабилаларининг бошлиқлари билан гаплашишди. [2] Исроил халқи
ҳали ҳам Канъон юртидаги Шилў шаҳрида[c] эди. Леви
қабиласидан келганлар шундай дейишди: “Леви қабиласига
яшаш учун шаҳарлар, қўй–молларини боқиш учун эса
шаҳарларнинг атрофидаги яйловларни бергин, деб Эгамиз
Мусога амр қилган эди[d].” [3] Шунда Эгамизнинг амри бўйича
Исроил халқи ўзларининг ерларидан Леви қабиласига
қуйидаги шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги яйловларни
берди.

[4] Қуръа[e] биринчи бўлиб, Леви қабиласининг Қоҳот[f] уруғига
тушди. Қоҳот уруғидан бўлган Ҳорун[g] наслига Яҳудо, Шимўн ва
Бенямин қабилаларидан ўн учта шаҳар берилди.

---

[a] **20:8** *Манаше қабиласи* — Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашган қабиланинг ярмига ишора (1:12-14, 13:8, 29-32 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашганди (22:6-8 га қаранг).
[b] **21:1** *Элазар* — 14:1 изоҳига қаранг.
[c] **21:2** *Шилў шаҳри* — 18:1 изоҳига қаранг.
[d] **21:2** *...Эгамиз Мусога амр қилган эди* — “Саҳрода” 35:1-8 га қаранг.
[e] **21:4** *Қуръа* — 14:2 изоҳига қаранг.
[f] **21:4** *Қоҳот* — Қоҳот, Гершон (шу бобнинг 6–оятига қаранг) ва Марори (шу бобнинг 7–оятига қаранг) Левининг ўғиллари эди (“Чиқиш” 6:16 га қаранг). Левидан Леви қабиласи келиб чиққан.
[g] **21:4** *Ҳорун* — Қоҳотнинг невараси (“Чиқиш” 6:18-20 га қаранг).

[5] Яна қуръа бўйича Қоҳот уруғининг қолган оилаларига Иордан дарёсининг ғарбидаги Манаше қабиласининг ярмига[a] тегишли ҳудуддан, Эфрайим ва Дан қабилаларининг ҳудудидан ўнта шаҳар берилди.

[6] Қуръа ташланиб, Гершон уруғидан бўлганларга Иордан дарёсининг шарқидаги Манаше қабиласининг ярмига[b] тегишли Башандаги ҳудуддан, Иссахор, Ошер ва Нафтали қабилаларининг ҳудудларидан ўн учта шаҳар берилди.

[7] Қуръа бўйича Марори уруғига Рубен, Гад ва Забулун қабилаларининг ҳудудидан ўн иккита шаҳар берилди.

[8] Эгамизнинг Мусога берган амрига кўра, Исроил халқи қуръа ташлаб мана шу шаҳарлар ва уларнинг яйловларини Леви қабиласига берди.

[9-10] Қуйида айтиб ўтилган, Яҳудо ва Шимўн қабилалари
ҳудудларидаги шаҳарларни Исроил халқи қуръа бўйича,
биринчи бўлиб Ҳоруннинг насли бўлган Қоҳот уруғига берди.
[11] Уларга Яҳудо қирларидаги Хеврон шаҳри ва унинг атрофидаги
яйловлари берилди. Хеврон ҳозирги пайтда Хират–арба, деб
аталади. Арба Иноқ авлодининг[c] аждоди эди. [12] Аммо ўша
шаҳарнинг ёнидаги далалар ва атрофидаги қишлоқлар Яфунах
ўғли Холибга мулк қилиб берилган эди[d].

[13] Паноҳ шаҳарларидан бири бўлган Хеврондан ташқари
руҳоний Ҳорун наслига яна қуйидаги шаҳарлар ва уларнинг
атрофларидаги яйловлар ҳам берилди: Либна, [14] Ятир, Эштамўва,
[15] Хўлун, Давир, [16] Ойин, Ютто ва Байт–шамаш. Ҳаммаси бўлиб
Яҳудо ва Шимўн қабилаларининг ҳудудларидаги мана шу
тўққизта шаҳар ва уларнинг атрофларидаги яйловлар. [17] Бенямин
қабиласининг ҳудудидан эса қуйидаги тўртта шаҳар ва уларнинг
атрофидаги яйловлар берилди: Гивон, Ғибо, [18] Онотўт, Элмўн.
[19] Мана шу ўн учта шаҳар Ҳорун наслидан бўлган руҳонийларга
берилди.

[20] Қоҳот уруғининг қолган оилаларига Эфрайим қабиласи
ҳудудидан қуйидаги тўртта шаҳар ва уларнинг атрофидаги
яйловлар ажратиб берилди: [21] Эфрайим қирларидаги паноҳ

---

[a] **21:5** *Манаше қабиласининг ярми* — Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашган қабиланинг ярмига ишора (22:6-8 га қаранг).
[b] **21:6** *Манаше қабиласининг ярми* — Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашган қабиланинг ярмига ишора (1:12-14, 13:8, 29-32 га қаранг).
[c] **21:11** *Иноқ авлоди* — 11:21 изоҳига қаранг.
[d] **21:12** *...Холибга мулк қилиб берилган эди* — 14:6-14 га қаранг.

шаҳри бўлган Шакам, Гезер, [22] Хивзайим, Байт–хўрон.
[23] Дан қабиласининг ҳудудидан қуйидаги тўрт шаҳар ва
уларнинг атрофларидаги яйловлар ҳам руҳонийларга берилди:
Элтаха, Гибитон, [24] Ойжавлон, Гат–риммон. [25] Иорданнинг
ғарб томонидаги Манаше қабиласининг ярмига[a] берилган
ҳудуддан қуйидаги икки шаҳар ва уларнинг атрофларидаги
яйловлари руҳонийларга берилди: Танах, Гат–риммон. [26] Қоҳот
уруғининг қолган оилаларига мана шу ўнта шаҳар ва уларнинг
атрофларидаги яйловлар берилди.

[27] Иорданнинг шарқидаги Манаше қабиласининг ярмига[b]
берилган ҳудуддан Леви қабиласининг Гершон уруғига
қуйидаги икки шаҳар ва уларнинг атрофидаги яйловлар
берилди: Башандаги паноҳ шаҳар Гўлон, Бештара. [28] Иссахор
қабиласининг ҳудудидан уларга яна қуйидаги тўртта шаҳар
ва уларнинг атрофларидаги яйловлар ҳам берилди: Хишион,
Доварат, [29] Ярмут, Эн–ханним. [30] Ошер қабиласининг ҳудудидаги
қуйидаги тўртта шаҳар ва уларнинг атрофидаги яйловлар
ҳам Гершон уруғига берилди: Мишол, Абдўн, [31] Халкат, Рехоб.
[32] Улар яна Нафтали қабиласи ҳудудидан қуйидаги учта шаҳар
ва уларнинг атрофидаги яйловларни ҳам олдилар: Хаммутдўр,
Картан ва Жалиладаги паноҳ шаҳар Кедеш.

[33] Гершон уруғига мана шу ўн учта шаҳар ва уларнинг
атрофларидаги яйловлар берилди.

[34] Леви қабиласининг қолганларига, яъни Марори уруғига
Забулун қабиласининг ҳудудидан қуйидаги тўртта шаҳар ва
уларнинг атрофларидаги яйловлар берилди: Ёхнаём, Картах,
[35] Димна, Наҳалил. [36] Рубен қабиласининг ҳудудидан қуйидаги
тўртта шаҳар ва уларнинг атрофларидаги яйловлар ҳам
Марори уруғига берилди: Базер, Яхаз[c], [37] Кадамўт, Мифат. [38] Гад
қабиласининг ҳудудидан эса қуйидаги тўртта шаҳар ва уларнинг
атрофларидаги яйловлар уларга берилди: Гиладдаги паноҳ
шаҳар Рамўт, Моханайим, [39] Хашбон, Ёзар.

[40] Леви қабиласининг Марори уруғига мана шу ўн иккита
шаҳар берилди.

---

[a] **21:25** *Манаше қабиласининг ярми* — Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашган қабиланинг ярмига ишора (22:6-8 га қаранг).

[b] **21:27** *Манаше қабиласининг ярми* — Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашган қабиланинг ярмига ишора (1:12-14, 13:8, 29-32 га қаранг).

[c] **21:36** *Яхаз* — ибронийча матнда бу номнинг бошқача варианти *Яхзо*.

41 Исроил халқининг ерларидан Леви қабиласига ҳаммаси
бўлиб қирқ саккизта шаҳар ва уларнинг атрофларидаги яйловлар
берилди. 42 Мана шу шаҳарларнинг ҳар бирининг атрофида
яйловлар бор эди.

### Исроил халқи ерга эгалик қилади

43 Эгамиз Исроил халқига бутун юртни берди. Эгамизнинг
Ўзи Исроил халқининг ота–боболарига, мана шу ерларни
сизларга бераман, деб ваъда қилган эди. Исроил халқи у
ерларни эгаллаб, ўша ерларда жойлашди. 44 Эгамиз уларнинг
ота–боболарига ваъда қилганидай, бутун юрт бўйлаб Исроил
халқига осойишталик берди. Ҳеч бир душман уларга бас кела
олмади, чунки Эгамизнинг Ўзи Исроил халқига душманларининг
устидан ғалаба берган эди. 45 Эгамиз Исроил халқига берган яхши
ваъдаларнинг ҳаммаси рўёбга чиқди, бирортаси ҳам бажарилмай
қолмади.

### Ёшуа Иорданнинг шарқидан улуш олган қабилаларни уйларига қайтариб юборади

22 1 Ёшуа Иордан дарёсининг шарқ томонида улуш олган
Рубен, Гад қабилаларини ва Манаше қабиласининг
ярмини[a] чақириб, 2 шундай деди: “Эгамизнинг қули Мусо нима амр
қилган бўлса, ҳаммасини бажардингиз. Мен буюрганларимнинг
ҳаммасига итоат қилдингиз. 3 Юртни эгаллашга шунча узоқ вақт
кетган бўлса ҳам, сиз ўз биродарларингизни тарк этмадингиз,
Эгангиз Худо қўйган талабларни битта қолдирмай бажардингиз.
4 Эгангиз Худо Ўзи ваъда қилганидай, биродарларингизга
тинчлик берди. Эгамизнинг қули Мусо сизларга Иорданнинг
шарқ томонидан улуш берди. Энди ўша ерлардаги ўзингизнинг
чодирларингизга қайтинглар. 5 Эгамизнинг қули Мусо сизларга
буюрган амр ва қонунларни битта қолдирмай бажаринглар.
Эгангиз Худони севинглар, Унинг йўлидан юриб, амрларини
бажариб, Унга содиқ бўлинг, Унга бутун қалбингиз билан, жону
дилингиз билан хизмат қилинг.” 6 Ёшуа уларни дуо қилиб, ўз
ерларига юборди. Улар ўз чодирларига қайтиб кетишди.

---

[a] **22:1** *Манаше қабиласининг ярми* — бу ибора Иордан дарёсининг шарқ томонида ўрнашган қабиланинг ярмига шу бобда ишора қилади (1:12-14, 13:8, 29-32 га қаранг). Қабиланинг иккинчи ярми Иордан дарёсининг ғарб томонидаги Канъон юртида ўрнашганди (22:6-8 га қаранг).

[7] Манаше қабиласининг ярмига Мусо Башан ерларини
улуш қилиб берган эди, иккинчи ярмига эса Ёшуа қолган
Исроил қабилалари билан бирга Иорданнинг ғарбидан
ер берган эди. Ёшуа дуо қилиб, уларни ўз чодирларига
юбораётганда, [8] шундай деган эди: “Ўз чодирларингизга кўп
бойлик билан, жуда ҳам кўп мол–қўй, кумуш, олтин, бронза,
темир, кўп кийим–кечаклар билан қайтиб кетяпсизлар.
Душманларингиздан олган ўша ўлжаларни биродарларингиз
билан бўлишиб олинглар.” [9] Шундай қилиб, Рубен, Гад
қабилалари ва Манаше қабиласининг ярми ўз уйларига
қайтиб кетишди. Уларнинг ҳудуди Иордан дарёсининг
шарқида жойлашган эди. Эгамиз Ўз қули Мусо орқали амр
қилиб, уларга: “Мана шу ерларни эгаллаб олиб, шу ерда
жойлашинглар”, деган эди. Исроил халқининг қолганлари
Канъон юртидаги Шилўда[a] қолди.

### Иордан бўйидаги қурбонгоҳ

[10] Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярми ҳали
ҳам Канъон юртида эканлар, Иордан дарёсидан ўтишдан олдин,
дарёнинг ёнидаги Гелилўт деган жойда жуда катта қурбонгоҳ
қуришди. [11] Қолган Исроил халқига: “Иорданнинг шарқидан улуш
олган Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярми биз
томонда, Канъон юртининг чегарасида, Гелилўтда қурбонгоҳ
қурибди”, деб айтишди. [12] Исроил халқининг жамоаси буни
эшитиб, Манаше қабиласининг ярми, Рубен ва Гад қабилаларига
қарши жанг қилиш учун Шилўда йиғилди.

[13] Аммо аввал улар Гиладга — Манаше қабиласининг ярми
ва Рубен, Гад қабилаларининг олдига руҳоний Элазар[b] ўғли
Пинхосни юборишди. [14] Иорданнинг ғарбидаги қабилаларнинг
ҳар биридан бир киши — ўз қабиласининг бошлиғи бўлган ўн
киши ҳам Пинхос билан бирга борди. [15] Улар Иордан дарёсидан
ўтиб, Гиладга бордилар. Ўша ерда Пинхос ва у билан келганлар
Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярмига шундай
дедилар:

[16] — Биз Эгамиз жамоаси номидан гапиряпмиз. Нима учун
Исроил халқининг Худосига хиёнат қилдингиз? Қандай қилиб
Эгамиздан юз ўгириб, Унга қарши бош кўтариб, ўзингизга

---

[a] **22:9** *Шилў* — 21:2 га ва 18:1 изоҳига қаранг.
[b] **22:13** *Элазар* — 14:1 изоҳига қаранг.

қурбонгоҳ қурдингиз?[a] [17] Пиёр тоғида қилган гуноҳимиз[b]
етмасмиди?! Ўша гуноҳ туфайли Эгамизнинг бутун жамоаси
бошига офат келди–ку. Шунда ҳам биз ҳали ўша гуноҳдан
бутунлай покланганимиз йўқ. [18] Сизлар эса яна Эгамиздан
юз ўгиряпсиз?! Сизлар бугун Эгамизга қарши бош кўтарган
бўлсангиз, эртага У бутун Исроил жамоасидан ғазабланади.
[19] Eрингиз Эгамизга сажда қилишга мос келмайдиган жой бўлса,
дарёнинг нариги томонига, Эгамиз Ўз чодирини тиккан жойга
ўтиб, бизнинг орамизда ўзингизга бирор ерни мулк қилиб
олинглар. Аммо Эгамиз Худонинг қурбонгоҳидан ташқари яна
бошқа қурбонгоҳ қуриб олиб, Эгамизга ёки бизга қарши бош
кўтарманглар[c]. [20] Зерах ўғли Охун Эгамизга хиёнат қилиб[d],
бағишланган нарсалардан[e] ўғирлаган эди. Шу туфайли бутун
Исроил халқининг бошига кулфат тушди–ку! Ўша гуноҳ деб
ёлғиз унинг ўзи ҳалок бўлмади–ку!

[21] Шунда Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг
ярми Исроил қабилаларининг бошлиқларига шундай жавоб
беришди:

[22] — Худолар Худоси Эгамиздир! Худолар Худоси Эгамиздир!
Унинг Ўзи гувоҳимиз бўлсин. Эгамизнинг Ўзи билади. Бутун
Исроил халқи ҳам билсин. Биз қурбонгоҳни Эгамизга қарши
бош кўтариб ёки Унга хиёнат қилиб қурганимиз йўқ. Агар шу
ниятда қурбонгоҳ қурган бўлсак, энди бизни аяманглар. [23] Биз
бу қурбонгоҳни Эгамиздан юз ўгирганимиз учун эмас, ҳатто шу
қурбонгоҳ устида куйдириладиган қурбонликлару дон назрлари
ва тинчлик қурбонликлари келтириш учун ҳам қурганимиз йўқ.

---

[a] **22:16** *Нима учун...ўзингизга қурбонгоҳ қурдингиз?* — Худо Мусо орқали Исроил халқига қурбонгоҳ ва саждага оид амрларни берганди. Исроил халқи Канъон юртида ўрнашгандан сўнг ўша амрларга риоя қилган ҳолда, ҳамма қурбонликларни фақат Худо белгилаган жойда келтириши керак эди. Ўша даврда қурбонликлар келтириладиган ягона жой Шилўда ўрнатилган Муқаддас Чодир эди (шу бобнинг 19–оятига ҳамда 18:1 ва ўша оятдаги изоҳга қаранг).

[b] **22:17** *Пиёр тоғида қилган гуноҳимиз...* — “Саҳрода” 25:1-9 га қаранг.

[c] **22:19** *...Эгамизга ёки бизга қарши бош кўтарманглар* — ёки *Эгамизга қарши бош кўтариб, бизни ҳам исёнкор қилиб қўйманглар*. Исроил халқининг бир қисми Эгамизга қарши бош кўтарганда бутун халқ жазога тортиларди (шу бобнинг 18, 20–оятларига қаранг).

[d] **22:20** *...Охун Эгамизга хиёнат қилиб...* — 7:1-26 га қаранг.

[e] **22:20** *бағишланган нарсалар* — шу ибора билан таржима қилинган ибронийча сўзнинг маъноси қуйидагича: одамлар ёки буюмлар Худога бағишланиб, назр сифатида берилган ёки тамоман қириб ташланган.

Агар шу ниятда қурбонгоҳ қурган бўлсак, Эгамизнинг Ўзи бизни
жазоласин. [24] Биз қўрққанимиздан шундай қилдик. Вақти келиб,
сизларнинг авлодларингиз бизнинг авлодимизга шундай деб
қолиши мумкин: “Исроил халқининг Худоси — Эгамиз билан
сизларнинг нима ишингиз бор?! [25] Эгамиз сизлар — Рубен ва Гад
қабилалари билан бизнинг орамизда Иордан дарёсини чегара
қилиб қўйди, Эгамизда сизнинг ҳеч ҳақингиз йўқ.” Сизларнинг
авлодингиз шундай деб бизнинг авлодларимизни Эгамизга
сажда қилишдан тўхтатиб қўйиши мумкин. [26] Шунинг учун биз
шундай дедик: “Келинглар, қурбонгоҳ қурайлик, бу қурбонгоҳ
куйдириладиган қурбонликлару бошқа ҳар хил қурбонликлар
келтириш учун ишлатилмайди.” [27] Биз бу қурбонгоҳни сиз
билан бизнинг орамизда, биздан кейинги авлодлар орасида
гувоҳ бўлсин, деб қурдик. Мана шу қурбонгоҳ биз ҳам, сизлар
қатори, Эгамизнинг чодири олдида Эгамизга сажда қилиб, ўша
ерда куйдириладиган қурбонликлар, дон назрлари ва тинчлик
қурбонликлари келтиришимизни кўрсатади. Шунда сизларнинг
авлодларингиз бизнинг авлодларимизга ҳеч қачон: “Эгамизда
сизларнинг ҳақингиз йўқ”, — демайди. [28] Агар биз билан
сизларнинг орангизда ёки авлодларимиз орасидан шундай гап
ўтса, биз ёки авлодларимиз қуйидагидай жавоб бера оламиз:
“Мана, Эгамиз қурбонгоҳининг нусхасига қаранглар. Бизнинг
аждодларимиз уни куйдириладиган қурбонликлар ва бошқа
ҳар хил қурбонликлар келтириш учун эмас, балки сиз билан
бизнинг ўртамизда гувоҳ бўлиши учун қуришган.” [29] Фақат
Эгамиз Худонинг чодири олдида турган қурбонгоҳдагина
Унга атаб куйдириладиган қурбонликлар, дон назрлари ва
бошқа қурбонликлар келтириш мумкин. Эгамизга қарши бош
кўтаришдан, Ундан юз ўгириб, қурбонликлар келтириш учун
бошқа қурбонгоҳ қуришдан Унинг Ўзи сақласин.

[30] Рубен, Гад қабилалари ва Манаше қабиласининг ярми
айтган бу гапларни эшитиб, руҳоний Пинхос ва у билан бирга
келган Исроил халқининг бошлиқлари жуда мамнун бўлишди.
[31] Рубен, Гад қабилаларига ва Манаше қабиласининг ярмига
Элазар шундай деди:

— Бугун Эгамиз биз билан бирга эканлигини биламиз. Сизлар Эгамизга хиёнат қилмай, бутун Исроил халқини Унинг ғазабидан сақлаб қолдингиз.

[32] Кейин Элазар ва Исроил халқи бошлиқлари Гиладдан
Канъон юртига, Исроил халқининг олдига қайтиб келиб нима

бўлганини айтиб беришди. [33] Улар олиб келган хабар Исроил
халқини мамнун қилди. Исроил халқи Худога ҳамду сано айтиб,
Рубен ва Гад қабилаларига қарши жанг қилиш ва уларнинг
ерларини вайрон қилиш ҳақида бошқа оғиз очмади. [34] “Мана шу
қурбонгоҳ бизнинг орамизда Эгамиз Худо эканлигига гувоҳ”,
деб Рубен ва Гад қабилалари қурбонгоҳга Гувоҳ деган ном
беришди[a].

## Ёшуанинг охирги насиҳатлари

23 [1] Анча йиллар ўтди, Эгамиз Исроил халқига уларнинг
атрофларидаги душманларидан тинчлик берган эди.
Ёшуа ҳам ёши анча ўтиб, қариб қолган эди. [2] У бутун Исроил
халқини, уларнинг оқсоқолларию бошлиқларини, ҳакам
ва назоратчиларини чақириб шундай деди: “Менинг ёшим
ҳам ўтди, анча қариб қолдим. [3] Эгангиз Худо сизлар учун
атрофингиздаги халқларни нима қилганини кўрдингиз. Эгангиз
Худонинг Ўзи сизлар учун жанг қилди. [4] Мен Исроил халқининг
қабилаларига шарқда Иордан дарёсидан бошлаб ғарбдаги Ўрта
ер денгизигача бўлган ерларни мулк қилиб бердим. Мен сизларга
мағлуб бўлган халқларнинг ҳам, ҳали мағлуб қилинмаган
халқларнинг ҳам ерларини бердим. [5] Эгангиз Худонинг Ўзи ўша
халқларни олдингиздан ҳайдаб, орқага чекинтиради. Эгангиз
Худонинг Ўзи ваъда қилганидай, сизлар уларнинг ерларини
эгаллайсизлар. [6] Мусонинг Таврот китобида[b] ёзилган барча
қонунлардан четга чиқманглар. Уларни битта ҳам қолдирмай
бажаринглар. [7] Орангизда қолган ўзга халқларга қўшилманглар.
Уларнинг худоларининг номларини тилга ҳам олманглар, ўша
худоларнинг номи билан қасам ичманглар. У худоларга сажда
ҳам қилманглар, хизмат ҳам қилманглар. [8] Аммо шу пайтгача
қилиб келганингиздай, Эгангиз Худога содиқ қолинглар. [9] Эгамиз
сизларнинг олдингиздан катта ва кучли халқларни ҳайдаб
чиқарди, мана шу кунгача ҳеч ким сизларга бас кела олгани
йўқ. [10] Эгангиз Худо ваъда қилганидай, Унинг Ўзи сизлар учун
жанг қилади. Душманларнинг мингтаси биттангизга бас кела
олмайди. [11] Шунинг учун доимо чин дилдан Эгангиз Худони

---

[a] **22:34** *...қурбонгоҳга Гувоҳ деган ном беришди* — Баъзи иброний қўлёзмаларидан ва сурёнийча таржимадан. Ибронийча матнда *қурбонгоҳга ном беришди.*

[b] **23:6** *Таврот китоби* — 1:8 изоҳига қаранг.

севинглар. [12]Ундан юз ўгирманг, орангиздаги ўзга халқлар
билан аралашманг, улар билан қуда–андачилик қилманг.
[13]Агар шундай қилсангиз, билиб қўйингки, Эгангиз Худо ўша
халқларни сизларнинг олдингиздан бошқа ҳайдаб чиқармайди.
Улар сизларга қопқон ва тузоқдай, биқинларингизга қамчидай,
кўзларингизга эса тикандай бўлади. Охири, Эгангиз Худо
сизларга берган мана шу яхши юртда бирортангиз ҳам тирик
қолмайсиз.

[14]Мен ҳам бир бандаман, умрим охирлаб боряпти.
Шубҳасиз, ҳаммангиз биласиз, Эгангиз Худо сизларга яхши
ваъдалар берган эди, шу ваъдаларнинг ҳаммаси рўёбга чиқди,
уларнинг бирортаси ҳам бажарилмай қолмади. [15]Эгангиз
Худо сизларга ваъда қилган барча яхши нарсаларни рўёбга
чиқарди. Агар Эгамизга итоат қилмасангиз, У сизларни
огоҳлантириб айтган кулфатларни бошингизга солади.
Оқибатда У сизларга берган мана шу яхши юртдан сизларни
бутунлай йўқ қилиб ташлайди. [16]Агар сизлар Эгангиз Худо
билан қилган аҳдни бузиб, бошқа худоларга эргашсангиз,
уларга хизмат қилиб, сажда қилсангиз, сизларга қарши
Эгамизнинг ғазаби қўзғайди–да, У сизларга берган мана шу
яхши юртдан тезда қирилиб кетасизлар.”

### Ёшуанинг Шакамда сўзлаган нутқи

24 [1]Кейин Ёшуа барча Исроил қабилаларини, уларнинг оқсо-
қоллари, бошлиқлари, ҳакамлари ва назоратчиларини
Шакамга[a] чақиртирди. Улар Худонинг ҳузурига келдилар. [2]Ёшуа
бутун халққа шундай деди:

— Исроил халқининг Худоси — Эгамиз шундай демоқда:
“Қадимда сизларнинг аждодларингиз, жумладан, Тераҳ ва
унинг ўғиллари Иброҳим ҳамда Нахўр Фурот дарёсининг нариги
томонида яшаганлар. Улар бошқа худоларга хизмат қилганлар.
[3]Мен сизларнинг ота–бобонгиз бўлган Иброҳимни Фуротнинг
нариги томонидаги ердан олиб, бутун Канъон юрти бўйлаб
бошлаб бордим. Иброҳимнинг наслини кўпайтирдим. Иброҳимга
Исҳоқни бердим. [4]Исҳоққа эса Ёқуб ва Эсовни бердим. Эсовга

[a] **24:1** *Шакам* — Исроилнинг тепаликларида, Қуддусдан қарийб 50 километрча шимолда жойлашган шаҳар. Шакам Исроил халқи учун муҳим тарихий ёдгорлик бўлиб хизмат қиларди (“Ибтидо” 12:6-7, 33:18-20, 35:2-5 га қаранг).

яшаш учун Сеир қирларини бердим. Ёқуб ва унинг фарзандлари
эса Мисрга бордилар. 5 Кейин Мусо ва Ҳорунни Мисрга юбориб,
Миср халқининг бошига фалокатлар келтирдим. Ўшандан
кейин сизларни Мисрдан олиб чиқдим. 6 Ота–боболарингиз
Қизил денгизга етиб келди. Мисрликлар эса аравакашлари
ва жанг аравалари билан уларни Қизил денгизгача[a] қувиб
бордилар. 7 Ота–боболарингиз Менга илтижо қилганларида,
Мен Мисрликлар ва ота–боболарингиз орасига қоронғулик
туширдим. Мисрликларнинг устига денгиз сувларини бостириб,
уларни ғарқ қилдим. Мисрни қай аҳволга солганимни сизлар
ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Ундан кейин сизлар саҳрода узоқ
вақт яшадингиз. 8 Кейин Мен сизларни Иордан дарёсининг шарқ
томонидаги юртга олиб келдим. У ерда Амор халқи яшар эди.
Улар сизларга қарши чиқиб жанг қилди. Мен сизларга уларнинг
устидан ғалаба бердим. Уларни сизларнинг олдингиздан
қириб ташладим, сизлар уларнинг ерларини эгаллаб олдингиз.
9 Кейин Мўаб шоҳи — Зиппур ўғли Болоқ сизларга қарши жангга
чиқди. Исроил халқини лаънатласин, деб у Бавўр ўғли Баломни
чақиртирди[b]. 10 Аммо Мен Баломга қулоқ солмадим, аксинча,
ўз ихтиёрига қарши у сизларни дуо қилди. Шундай қилиб,
Мен сизларни Болоқнинг қўлларидан қутқардим. 11 Сизлар
Иордандан ўтиб, Ерихога келганингизда, Ерихо аҳолиси сизларга
қарши жанг қилди. Амор, Париз, Канъон, Хет, Гиргош, Хив ва
Ёбус халқлари ҳам сизларга қарши уруш қилди. Мен сизларга
уларнинг устидан ғалаба бердим. 12 Икки Амор шоҳини[c] ваҳимага
солиб, арилар галаси сингари қувдим[d]. Буни сизлар қиличу
камонларингиз билан қилмадингиз. 13 Сизларга ўзингиз ишлов
бермаган ерларни бердим. Энди сизлар ўзингиз қурмаган
шаҳарларда яшаяпсизлар, ўзингиз экмаган узумзору зайтун
боғларининг мевасини еяпсизлар.”

14 Ёшуа гапида давом этиб, шундай деди:

— Энди Эгамиздан қўрқинг, Унга содиқ бўлиб, доимо чин
дилдан хизмат қилинг. Аждодларингиз Фурот дарёсининг
нариги томонида ва Мисрда сажда қилган худоларни ташлаб,

[a] **24:6** *Қизил денгиз* — ибронийча матнда *ём суф*, маъноси *Қамиш денгизи.* 2:10 изоҳига қаранг.

[b] **24:9** *...Болоқ...Баломни чақиртирди* — “Саҳрода” 22:1-24:25 га қаранг.

[c] **24:12** *Икки Амор шоҳи* — яъни Сихўн ва Ўг (“Саҳрода” 21:21-35 га қаранг).

[d] **24:12** *Икки Амор шоҳини...қувдим* — ёки *Мен Икки Амор шоҳи қувиш учун олдингиздан қовоқ ариларни юбордим.*

фақатгина Эгамизга хизмат қилинг. [15] Агар Унга хизмат қилишни
маъқул кўрмасангиз, кимга хизмат қилишингизни бугун танланг.
Фурот дарёсининг нариги томонида яшаган пайтда сажда
қилган худоларингизга хизмат қиласизларми? Ёки олдин Амор
халқларига тегишли бўлган ерларда яшаётганингиз учун энди
уларнинг худоларига хизмат қиласизларми? Бугун танланг. Мен
ва оилам эса Эгамизга хизмат қиламиз.

[16] Халқ жавоб берди:

— Худо сақласин! Биз ҳеч қачон бошқа худоларга хизмат
қилиш учун Эгамизни ташлаб кетмаймиз! [17] Бизни ва ота–
боболаримизни Мисрдаги қулликдан олиб чиққан Эгамиз
Худодир. У қилган мўъжизаларни биз ўз кўзимиз билан кўрдик.
Ҳар хил халқларнинг орасидан ўтганимизда, қаерга бормайлик,
У бизни ҳимоя қилди. [18] Мана шу юртда яшаган Амор ва бошқа
халқларнинг ҳаммасини Эгамиз бизнинг олдимиздан ҳайдаб
юборди. Шунинг учун ҳам биз Эгамизга хизмат қиламиз, У
бизнинг Худойимиздир.

[19] Ёшуа халққа шундай деди:

— Эгамиз Муқаддас Худодир. У рашкчи Худо. Сиз Унга
хизмат қила олмайсиз. Агар Унга қарши бош кўтарсангиз ёки
гуноҳ қилсангиз, У сизларни кечирмайди. [20] Эгамиз сизларга
шунча яхшилик қилган бўлса ҳам, агар Уни ташлаб, бошқа
худоларга хизмат қилсангиз, У бошингизга кулфат келтириб,
қириб ташлайди.

[21] Халқ Ёшуага шундай деди:

— Йўқ, бошқа худоларга хизмат қилмаймиз, биз Эгамизга
хизмат қиламиз!

[22] Шунда Ёшуа халққа деди:

— Эгамизга хизмат қиламиз, деб танлаганингизга ўзингиз
гувоҳсиз.

— Ҳа, гувоҳмиз, — деб жавоб берди халқ.

[23] Ёшуа:

— Ундай бўлса, орангиздаги бегона худоларни ташлаб,
бутун қалбингиз билан Исроил халқининг Худоси — Эгамизга
боғланинглар, — деди.

[24] Халқ Ёшуага шундай деди:

— Эгамиз Худога хизмат қиламиз, Унга қулоқ соламиз.

[25] Ўша куни Ёшуа Шакамда халқ билан аҳд тузиб, улар
бажаришлари учун қонун–қоидалар берди. [26] Ёшуа бу сўзларни
Худонинг Таврот китобига ёзди. Кейин катта тош олиб, уни

саждагоҳда[a] эман дарахтининг тагига ёдгорлик қилиб ўрнатди.
27 Ёшуа бутун халққа шундай деди:

— Қаранглар, мана шу тош Эгамиз бизга айтган ҳамма гапларни эшитган, шунинг учун агар Эгамизга берган ваъдада турмасак, у бизга қарши гувоҳ бўлади.

28 Шундан кейин Ёшуа халқни ўзлари улуш қилиб олган ерларга юборди.

## Ёшуа ва Элазарнинг вафоти

29 Бир мунча вақтдан кейин Эгамизнинг қули Ёшуа 110
ёшга кириб вафот этди. 30 Гаш тоғининг шимолидаги, Эфрайим
қирларида жойлашган Тимнат–серах шаҳри Ёшуага улуш қилиб
берилган эди[b]. Уни ўша ерда дафн қилдилар.

31 Ёшуа бутун умри давомида Исроил халқи Эгамизга хизмат қилди. Ёшуадан кейин қолган, Эгамиз Исроил халқи учун қилган ҳамма ишларни кўрган бошқа оқсоқолларнинг ҳаёти давомида ҳам Исроил халқи Эгамизга хизмат қилди.

32 Исроил халқи Мисрдан чиққанда Юсуфнинг суякларини ўзлари билан олган эди[c]. Улар мана шу суякларни Шакамда кўмишди. Ёқуб бу ерни Шакамнинг отаси Хамўрнинг ўғилларидан юз бўлак кумушга[d] сотиб олган эди[e]. Ўша ер Юсуф авлодларининг улуши бўлиб қолди.

33 Ҳорун ўғли Элазар ҳам вафот этди. Элазаргинг ўғли Пинхосга Эфрайим қирларидаги Гиво шаҳри улуш қилиб берилган эди. Элазар ўша жойга дафн қилинди.

[a] **24:26** *саждагоҳ* — Иброҳим худди шу жойда Эгамизга атаб қурбонгоҳ қурган бўлиши мумкин, кейинчалик Ёқуб хонадонини бутлардан тозалаб, уларни худди шу эман дарахтининг тагига кўмган бўлиши мумкин (“Ибтидо” 12:6-7, 35:2-5 га қаранг).

[b] **24:30** *...Ёшуага улуш қилиб берилган эди* — 19:49-50 га қаранг.

[c] **24:32** *...Юсуфнинг суякларини ўзлари билан олган эди* — “Ибтидо” 50:24-26 ва “Чиқиш” 13:19 га қаранг.

[d] **24:32** *юз бўлак кумуш* — ибронийча матнда *юз қисито*. Бу пул бирлигининг қиймати ва оғирлиги ҳозирги кунгача сақланиб қолмаган. Қадимги пайтларда маълум ўлчамдаги кумуш бўлаклари одатда пул бирлиги сифатида ишлатилган.

[e] **24:32** *Ёқуб бу ерни...сотиб олган эди* — “Ибтидо” 33:19 га қаранг.